

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК**

АЛИМХАНОВА НИГОРА АЛИМХАНОВНА

**“БАНКЛАР ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ”
(МИЛЛИЙ БАНК ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ
БЎЛИМИ МИСОЛИДА)**

Мутахассислик: 5А340901-“Бухгалтерия ҳисоби” (тармоқлар бўйича)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:_____доц. Жумаева Г.Ж.

**Магистратура бўлими
бошлиғи_____доц.Холбаев Б.М.**

Қарши-2009

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

200__й.

«__»_____

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ БЎЙИЧА

РЕЖА-ТОПШИРИҚЛАР

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти Магистратура Кенгашининг 200__й.
«__»_____ сонли қарори билан тасдиқланган _____
(кафедра номи) _____ кафедра бўйича

(магистрлик диссертациясининг номи)

_____ мавзусидаги магистрлик диссертацияси
илмий раҳбар _____
_____ бошчилигида
(илмий раҳбарнинг исми-фамилияси, лавозими, илмий даражаси, илмий унвони)

_____ томонидан
(магистрантнинг исми-фамилияси)
туғалланган ҳолда 1) 200__й. «__»____да ва
2) «__»____ 200__йилда _____

_____ кафедрасига дастлабки ҳимоя учун тақдим этилсин
Тадқиқот ишида _____

_____ фойдаланилади
(амалий, статистик, баланс, бошқармаларнинг бир неча йиллик ҳисобот нашрлари, тўпламлари, ҳуқуқий ва
меъёрий ҳужжатлар, йўриқнома ва ҳ.к.)
Ишда _____
(жадваллар, чизмалар)

_____ берилиши кўзда
тутилади

Ишда қуйидаги масалалар баён этилади:

1-гуруҳ _____
(номи)

2-гуруҳ _____
(номи)

3-гуруҳ _____
(номи)

_____ (сана, ой, йил)
Илмий раҳбар _____
(исми-фамилияси, илмий даражаси ва унвони)
Тингловчи 200__ йил «____» _____ да топшириқларни қабул қилди.

Магистрлик диссертациясининг дастлабки нусхасини тугаллаш жадвали

I боб: _____
(диссертациясининг дастлабки иш режаси бўйича I боб номи ва уни тугаллаш муддати)

II боб: _____
(диссертациясининг дастлабки иш режаси бўйича II боб номи ва уни тугаллаш муддати)

III боб: _____
(диссертациясининг дастлабки иш режаси бўйича III ва IV {V} боб номи ва уни тугаллаш муддати)

Диссертацияни _____
(кафедра номи)
кафедрасида 200__ «____» _____ да ўтган дастлабки ҳимоясида илмий раҳбар
томонидан берилган топшириқлар:

Топшириқлар қабул қилинди: _____
(тингловчининг имзоси, сана)

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
I-БОБ. Банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ташкилий-хукуқий асослари.....	10
1. Банкларда ҳисоб сиёсатининг моҳияти ва вазифалари.....	10
2. Банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ҳукуқий асослари...	17
3. Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш тамойиллари.....	23
I-БОБ бўйича хулоса.....	28
II-БОБ. Миллий банк Қашқадарё вилояти бўлимида ҳисоб тизимининг амалдаги ҳолати таҳлили	27
1. Банкда бухгалтерия ҳисобини юритиш шакллари ва унинг регистрларини таҳлил қилиш.....	28
2. Банк молиявий ҳисоботларининг таркиби, тузилиши ва тақдим этилишининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	38
3. Банк ҳисоб тизимида активларнинг баҳоланиши ва ундаги мавжуд муаммолар таҳлили.....	47
II-БОБ бўйича хулоса.....	57
III-БОБ. Банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишни такомиллаштириш йўллари.....	58
1. Иқтисодий инқироз шароитида банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида белгиланган тадбирлар.....	58
2. Банкларда молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказишни такомиллаштириш йўллари.....	61
III-БОБ бўйича хулоса.....	67
Хулоса ва таклифлар.....	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	77
Иловалар.....	82

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз иқтисодиётини модернизациялаш ва эркинлаштиришда банкларнинг аҳамияти катта. Чунки мамлакатимизда асосий молиявий муассаса бу банклар бўлиб, уларнинг фаолиятини ривожлантиришда ҳисоб ишлари ва ҳисоботларини ташкил этиш, такомиллаштириш устувор вазифа ҳисобланади.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган банкларда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бирок таҳлиллар шуни кўрсатадики, уларнинг сифат даражаси бозор муносабатлари талабларига жавоб бермаяпти. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шароитида рақобатлаша оладиган тижорат банкларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун ҳисоб ишлари ва ҳисоботларни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, барча хўжалик юритувчи субъектлардаги каби банкларда ҳам бажарилаётган жараёнлар бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиб борилади. Чунки, ушбу маълумотлар банк фаолиятини ташхислаш, назорат қилиш, унинг ривожланиш истиқболларини белгилаш ва фаолият натижаларига баҳо бериш учун асос бўлиб хизмат қилади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Банклар зиммасига инвестиция фаолиятини кенгайтириш вазифалари юкланганлиги сабабли уларнинг ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим” [16].

Чунки, банкларда бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда ҳисоб ишлари тезлаштирилган ҳолда юритилиб, ҳар куни кун якунида кунлик баланс ва ҳисоботлар тузилади. Бундан ташқари бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли ўлароқ банкларда банкка тегишли бўлган мулклар ва уларнинг ҳаракати, пул маблағлари ва уларнинг ҳаракатидан ташқари банк мижози ҳисобланган корхона ва ташкилотларга тегишли бўлган пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати ҳам ҳисобга олиб борилади. Шунинг учун банкларда банк мижози ҳисобланган корхона ва ташкилотларга тегишли бўлган маблағлар ва уларнинг ҳаракати тўғрисида

мижозларга маълумот етказиб бериш вазифаси ҳам бажарилади. Ушбу ҳолатлар банкларда ҳисоб ва ҳисобот ишларини ташкил этишни тақазо этса, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози бозор иқтисодиётининг заиф нуқтаси ҳисобланаётган молия-кредит тизимини яхшилашда, уларни рақобатбардошлигини оширишда ҳисоб ва ҳисоботларни такомиллаштиришни заруратга айлантирмоқда. Хусусан, Президентимизнинг “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида таъкидланганидек, “...авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлайди”[17;5]. Шу нуқтаи-назардан ҳам магистрлик диссертацияси учун “Банклар ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ва такомиллаштириш йўллари” мавзуси танлаб олинди.

Диссертациянинг мақсади ва вазифалари. Мазкур диссертация ишининг асосий мақсади бозор иқтисодиёти шароитида рақобатлаша оладиган банкларни шакллантириш ва ривожлантириш учун банкларда самарали ҳисоб тизими ва ҳисоботларини ташкил этиш, уларни такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Диссертация ишида асосий мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ёритилади ва соҳадаги мавжуд муаммолар тадқиқ этилади;

- банкларда молиявий ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш тамойилларига риоя этилиш ҳолати ўрганилади ва уларнинг назарий-услубий асослари ёритилади;

- банкларни ҳисоб ва ҳисоботининг амалдаги ҳолати таҳлил қилинади ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади;

- банкларда ҳисоб ва ҳисоботларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилади;

- банкларда молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказишни такомиллаштириш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Тадқиқотни амалий аҳамияти шундан иборатки, магистрлик ишидаги илмий хулосалар ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботларни бозор иқтисодиёти талаблари асосида, хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлари шароитида мақсадли ташкил этиш имконини беради. Шунингдек, тадқиқот натижалари Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”, “Молия”, йўналиши талабалари ва Қарши банк коллежи ўқувчилари учун назарий манба вазифасини бажаради. Магистрлик диссертациясида қилинган хулоса ва таклифлар ТИФ Миллий банк Қашқадарё вилояти бўлими томонидан инқирозга қарши дастурининг ижросини таъминлашда амалиётда қўллаш учун инобатга олинди.

Диссертация ишининг илмий янгилиги. Мазкур магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- банкларда қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг назарий асосларини ўрганиш асосида ҳисоб сиёсатининг моҳияти очиқ берилди;

- банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил этилди ва улардаги мавжуд муаммолар тадқиқ этилди;

- банкларда молиявий ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш тамойилларига риоя этилиш ҳолати ўрганилди ва ундаги мавжуд муаммолар аниқлаштирилди;

- банкларда ҳисоб ва ҳисоботнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинди ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

- банкларда ҳисоб ва ҳисоботларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилди;

- банкларда молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказишни такомиллаштириш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертация ишининг предмети ва ўтказиш жойи. Мазкур диссертация ишининг предмети бўлиб, банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этиш тартиблари, ташкилий асослари, ҳисоботлар таркиби ва банк тизимида аудиторлик текширувини такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқот объекти қилиб, ТИФ Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлими танлаб олинди. Чунки, банкда мижозларга самарали хизмат кўрсатиш, уларнинг ишончли ҳамкорига айланишида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўғри ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунига кўра, тижорат банклари ҳар йили бир марта мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши муносабати билан уларда ҳисоб ва ҳисоботларни тўғри ташкил этиш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсияларга нисбатан эҳтиёж баланд.

Тадқиқот услуби ва услуби. Борлиқни диалектик нуқтаи назардан билишга асосланган услубий тамойиллар, иқтисодчи олимлар томонидан илгари сурилган таълимотлар, шунингдек, ҳозирги даврда кўп укладли эркин иқтисодиётни барпо этиш ва банк тизимини ислох этиш бўйича ишлаб

чиқилган назарий ҳамда амалий ишланмалар тадқиқот ишининг услубий асоси бўлиб ҳисобланади.

Диссертацияни ёзишда абстракт фикрлаш, статистик кузатиш, тўпланган маълумотларни таҳлил ва синтез қилиш, индукция ва дедукция ҳамда тизимли ёндошиш ёрдамида қайта ишлаш, монографик кузатиш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларини синаш ва амалиётда қўллаш. Диссертация ишининг натижаси унинг амалий аҳамияти билан асосланди. Диссертация ишини бажариш натижасида банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишни такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва услубий жihatлари асослаб берилди. Тадқиқот натижалари Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг Иқтисодиёт факультети (2007 йил 23 декабрдаги №4 сонли баённомаси) ва “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг (2007 йил 28 ноябрь № 3-сонли баённомаси) йиғилишларида, ҚМШИ аспирантлари, магистрантлари ва иқтидорли талабаларининг III-илмий-амалий анжуманида, “Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари” республика илмий-амалий конференциясида (2007 йил 4-5 декабр), Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят Кенгаши томонидан “Фан, тараққиёт ва ёшлар” илмий-амалий конференция (2008 йил 21 май)ларида маъруза қилиниб, ижобий баҳо олган ҳамда тадқиқот натижалари ТИФ Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлими томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

Тадқиқотнинг таркиби. Илмий ишнинг тузилиши ва ҳажми буйича, магистрлик иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан, яъни жами 83 бетдан иборат бўлиб, ишда 3 та расм ва 5 та жадвал ўз аксини топган.

I-БОБ. Банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

1. Банкларда ҳисоб сиёсатининг моҳияти ва вазифалари

Республикада фаолият кўрсатаётган банкларда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва тўғри йўлга қўйиш орқали сифатли ҳамда тўлиқ бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш учун имконият яратилади. Банк тизимида самарали ҳисоб сиёсатини юзага келтириш банкнинг молиявий барқарорлигини сақлаш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида олиб борилишини, омонатчилар ва банк кредиторлари талабларининг ўз вақтида батафсил бажарилишини таъминлаш имконини беради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кредитлаш-банк ишининг ўзаги бўлиб, унинг сифатига қараб банкнинг фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Назарий манбаларда таъкидланишича, аксарият жаҳон банкларининг синиши (банкротликка учраши) га асосий сабаб, банк активлари, яъни кредитлар сифатининг пастлигидир. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ҳеч кимга сир эмаски, бугун кенг кўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг сабабларидан бири - бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятнинг заифлиги билан боғлиқ. Муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади”[17].

“Бизнингча, мамлакатимиз тижорат банкларида кредитларнинг сифати кредитлаш жараёнини бошқаришга боғлиқ бўлиб, у қуйидаги асосий элементлардан ташкил топиши шарт:

-тижорат банкида мукаммал ишлаб чиқилган кредит сиёсати ва кредитлаштириш жараёнининг мавжудлиги;

-кредит портфелини оптимал бошқаришнинг йўлга қўйилганлиги;

-кредитларни мунтазам назорат қилишнинг ташкил қилинганлиги;

-банк тизимида ишлайдиган ходимларнинг малака ва тайёгаргарлик даражаси [23;60]. Ушбу ҳолатлар банкларда ҳисоб ишларининг ташкилий асоси ҳисобланган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишни заруриятга айлантиради. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳар қандай ташкилот, шу жумладан тижорат банклари ўз ҳисоб сиёсатини танлаши ва амалиётига татбиқ этиши лозим. Аммо, аудиторлик текширувлари натижалари кўпгина банклар ва корхоналарда ҳисоб сиёсати хануз танламаганлиги ва асосланмаганлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам бундай банклар ва ташкилотларда кўпинча мол-мулк, мажбуриятлар ва хўжалик операцияларини ҳисобга олишда хато ва чалкашликларга йўл қўйилмоқда. Хусусан, 2008 йилда ривожланган давлатлар иқтисодиётида юз берган молиявий инқирознинг келиб чиқиш сабаби банкларда мукамал ишлаб чиқилган ҳисоб-кредит сиёсатининг юритилмаганлигидир. Маълумки, “Кредит ташкилотларининг ҳисоб сиёсати деганда бу ташкилотда қабул қилинган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари мажмуи – хўжалик фаолияти фактларини бирламчи кузатиш, қийматини ҳисоблаш, жорий гуруҳлаш ва якуний умумлаштириш тушунилади”[29].

Тўғри танланган ва асосланган ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг барча – ташкилий, методик ва техникавий жиҳатларини ўз ичига қамраб олади. Ҳисоб сиёсатининг таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши шарт:

- текширилаётган банкнинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи;
- бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режаси;
- ички бухгалтерия ҳисоботи учун бирламчи ҳужжатлар шакллари рўйхати;
- ҳужжатлар айланиши қоидалари ва ҳисоб ахборотининг қайта ишланиши технологияси;
- текширилаётган банкнинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғида акс эттирилган айрим кўрсаткичлар бўйича тасдиқланган услублари ва бошқа иловалар;

- кредит ташкилотининг ҳисоб сиёсатига доир маълумотларни очиб берадиган тушунтириш хати;
- бухгалтерия ҳисобини юритишнинг олдинги йиллардан фарқ қиладиган, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда танланган услублар ва бошқалар.

Миллий ҳисоблар тизимининг ислоҳ қилиниши натижасида пул маблағларининг ҳаракати ҳақидаги ҳисоботнинг жорий этилиши, эркин аудитнинг ривожланиши, бухгалтерия ва солиқ ҳисобининг чегараланишида ўзига хос ютуқларга эришилди. Бу ислохотлар кредит ташкилотини, хусусан банкларни янада самарали бошқариш учун шарт-шароит яратмоқда ва унинг фаолиятдан манфаатдор ташқи фойдаланувчиларга бериладиган ҳисобот қамровини оширмоқда. Айниқса, ҳисобнинг икки йўналишда ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки, бошқарув ҳисоби бу ички ҳисоб тизими бўлиб, барча иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи субъектларда бошқарув қарорларини қабул қилиш, харажатлар тизимини бошқариш, харажатларни назорат қилиш ва унумсиз сарфларни қисқартириш бўйича тезкор ахборотлар етказиб бериш имконини беради. Молиявий ҳисоб эса, нафақат ички, балки ташқи манфаатдор ҳамкорлар, қизиқувчилар ва молиявий назорат органларига тақдим этиладиган ахборотлар бўйича юритиладиган ҳисоб ва ҳисобот ҳисобланади. Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, республикада фаолият курсатаётган тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби амалиётида молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби уртасида аниқ тафовут мавжуд эмас. Бироқ, бухгалтерия ҳисоби бошқа ҳисоб турларидан анча фарқ қилади. Масалан, бухгалтерия ҳисобида тижорат банкининг мол-мулки, мажбуриятлари ва операциялари ҳақида барча маълумотлар акс эттирилади, шунинг учун ҳам уни узлуксиз юритиш талаб этилади. Шунингдек, тижорат банклари бу тижорат муасасаси бўлганлиги сабабли ўз рақобатчилари олдида тижорат сирига эга бўлиши давр талаби ҳисобланади. Айнан бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг ликвидлиги ва рақобатбардошлиги мижозлар сони ва инвесторларнинг маблағларига

боғлиқ. Ушбу ҳолатлар тижорат банкларида ҳам ҳисоб ишларини икки йўналишда ташкил этишни заруриятга айлантирмоқда.

Маълумки, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг барча объектларини қиймат баҳосида акс эттирилиши молиявий ҳисоб тушунчасига, оператив ҳисоб эса бошқарув ҳисоби тушунчасига айланди. Молиявий ҳисоб банкнинг фаолияти натижалари билан боғлиқ. Молиявий ҳисобни тартибга солиш учун талаблар, меъёрлар ва қоидалар тизими ишлаб чиқилган.

Бошқарув ҳисоби банк раҳбарияти ички тизимда фойдаланиш учун ҳисобловчи, қайта ишловчи ва тақдим этувчи ҳисоб маълумотларининг барча турларини ўз ичига олади. Бугунги кунда банкларда ҳисоб сиёсатини аниқлаш ва шакллантириш элементлари ишлаб чиқилмоқда, яъни ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишни Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига изчил яқинлаштириш мақсадида ислох қилинаётган бухгалтерия ҳисоби технологияси яратилмоқда. Бироқ олиб бораётган тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, аксарият иқтисодчи олимларимиз томонидан яратилган назарий манбалар ва услубий асосларда банкларда ҳисоб ва ҳисоботни икки йўналишда ташкил этиш жиҳатлари тадқиқ этилмаган. Хусусан, бошқарув ҳисоби бўйича дастлабки яратилган назарий – илмий манба профессор Б.Ҳасановга тегишли бўлиб, унда асосан хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари инобатга олинган. Банк тизими эса назарда тутилмаган. Айнан молиявий ҳисоб бўйича яратилган дарсликларда ҳам банк тизими инобатга олинмаган. Банкларда ҳисоб ва ҳисобот элементларини таҳлилдан утказиш, қарорлар қабул қилиш ва банк жараёнларини бошқариш технологиясини пухта ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Ушбу масалаларнинг ечимини таъминлашда банкларда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг муайян йўналиши бўйича ҳисоб сиёсатини шакллантиришда қонун ҳужжатларида белгиланган бир неча усулдан

биттасини танлаб олиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонунида банклар учун бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари белгиланган бўлмасада, банкларда ҳисобнинг асосий қоидаларидан ва молиявий ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб тегишли усулни ишлаб чиқиш ҳуқуқи белгиланган.

Махсус талаблар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳисоб сиёсатини танлаш ва амалга оширишда ҳисоб маълумотларнинг ўринлилиги, аниқлиги, мазмуннинг шаклдан устунлиги, бетарафлиги, муҳимлиги ва эҳтиёткорлик сингари қоидаларига амал қилиш тавсия этилади.

Ҳисоб сиёсати – бу авваламбор банкларда молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун қабул қилган муайян қоидалар, асослар, шартлар ва амалиётдан иборат.

Банкларда молиявий ҳисоботга берилган изохда ҳисоботдан манфаатдор фойдаланувчилар молиявий ҳисоботни баҳолаши ва қарорлар қабул қилишига имкон берувчи қоидаларни очиқ бериши шарт. Ҳисоб сиёсати қоидага кўра жорий йил мобайнида қайта кўрилмайди ва ўзгартирилмайди. Республикамизда бундай ўзгаришлар Давлат Солиқ Назорати органлари билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Банкларнинг ҳисоб сиёсатини қуйидаги тўрт жиҳати бўйича таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳати;
2. Ҳисоб сиёсатининг ташкилий жиҳати;
3. Ҳисоб сиёсатининг техник жиҳати;
4. Ҳисоб сиёсатининг солиқ жиҳати.

Ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатида банк муассасасининг бухгалтериясида ҳисоб юритиш жараёнида қўлланиладиган бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари ва услубий қоидалари акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари ва услубий қоидаларини ҳисоб сиёсатида акс эттиришда қуйидаги асосий масалаларнинг ечимлари кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир:

- асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш тартиби;
- асосий воситалар ва арзон баҳоли, тез эскирувчан буюмларни чегаралаш;
- банк фаолияти учун зарур бўлган материаллар ва банк анжомларини сотиб олиш, сақлаш ва уларни ҳисобдан чиқариш тартиби;
- банк фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олиш ва тан олиш тартибини белгилаш;
- асосий воситаларни таъмирлашни молиялаштириш ва уни ҳисобга олиш тартиби;
- келгуси давр сарфларини қоплаш муддатлари;
- келгусидаги тўловлар ва харажатлар учун заҳиралар;
- қайтарилиши мавҳум бўлган қарзлар бўйича заҳиралар;
- банк фаолиятида олинган даромадларни тан олиш тартиби;
- келгуси давр даромадларини ҳисобга олиш ва тан олиш тартиби;
- соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш тартиби;
- дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилаш ва ҳисобда акс эттириш;
- берилган ва олинган кредитлар бўйича фоизларни ҳисоблаш, тўлаш ва уларни ҳисобда акс эттириш;
- олинган кредитларни баҳолаш тартиби.

Республикада банклар фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларда банкларга бюджет билан бўладиган ҳисоб-китобларда ҳар хил вариантлардан бирини мустақил танлаш ҳуқуқи берилган. Шунингдек банкларнинг даромадлари ва харажатларини солиқ базасига

қўшиладиган ва қўшилмайдиган гуруҳларга ажратилиши ҳам бюджет билан бўладиган ҳисоб-китобларда у ёки бу вариантни мустақил танлаш имкониятини беради.

Ҳисоб сиёсатининг солиқ жиҳатида бюджет билан бўладиган ҳисоб-китобларнинг қуйидаги масалалари ўз аксини топиши шарт:

- фойда (даромад) солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар даврини белгилаш;
- қўшимча қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб вариантларини аниқлаш;
- кредит операциялари ҳисобининг солиқ жиҳатлари;
- қимматли қоғозлар операциялари ҳисобининг солиқ жиҳатлари;
- валюта операциялари ҳисобининг солиқ жиҳатлари.

Ҳисоб сиёсатининг ташкилий жиҳатини ёритиш ва шакллантиришда юқоридаги асосий масалалар ҳал этилиши зарур. Ушбу масалаларни ҳар бир банк муассасасида самарали ечимини топиш учун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган банкларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва улардан ўз фаолиятини самарали ташкил этиш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки банклар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишда бевосита омиллар билан биргаликда билвосита омиллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бевосита омилларга банк фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни тежаш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш орқали уларнинг баҳоларини ошириш ва бошқалар киради.

Билвосита омилларга эса амалдаги қонунларда рухсат этилган енгилликлардан фойдаланиш, харажатларнинг самарали вариантларини танлаш ва самарали ҳисоб тизимини ишлаб чиқиш, унинг маълумотларидан фойдаланиш эвазига қўшимча даромадлар олиш киради.

Билвосита омиллар орқали иқтисодий самарадорликка эришиш учун ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатларини самарали шакллантириш зарур.

Афсуски, ҳозирги пайтда кўплаб банкларнинг ходимлари амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни етарли даражада билмасликлари сабабли уларда белгиланган енгилликлардан ўз фаолиятларида самарали фойдаланмаяпдилар. Хусусан, банкларда ҳар олти ойда ташкил этилаётган аттестация натижаларига кўра, аксарият банк ходимлари аттестациядан ўта олмаганлиги, баъзилари эса шартли равишда ўтганликларини кўриш мумкин.

Бизга маълумки, банкнинг ҳисоб сиёсати бу ҳисоб ва ички назорат масалалари билан бир қаторда банкни бошқариш самарадорлигининг баъзи бир жиҳатларини ҳам акс эттирувчи ҳужжат бўлиб, уни ишлаб чиқишга профессионал ёндашув талаб этади. Шунинг учун ҳам банклар ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш учун аудиторлик фирмаларининг мутахассисларини жалб этиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ана шундай ҳолларда, бундай ҳамкорлик банкларга ҳам, аудиторларга ҳам фойдали бўлади, чунки тижорат банклари томонидан ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш масалалари бундан буён ҳам кўп жиҳатдан мураккаб ва масъулиятли иш бўлиб қолаверади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, тижорат банкларида “Ҳисоб сиёсати” ва “Кредит сиёсатини” мавжуд андоза ва мезонлар асосида ишлаб чиқилишини ташкил этиш банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, банкларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради.

2. Банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини олиб бориш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Марказий банки тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (МБ) йўриқномалари, Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро ва Миллий стандартлари (БХМС),

шунингдек бухгалтерия ҳисобини бевосита ва билвосита тартибга солувчи мамлакатимиз Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тартибга солинади.

Белгилаб қўйилган миллий стандартлар, ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари, низомлар ва йўриқномалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, Бухгалтерия ҳисоби Халқаро Стандартларидан фарқ қилади, шунингдек, уларда муқобил бухгалтерия ҳисоби усуллари танлашга нисбатан маълум чеклашлар белгиланган бўлиб, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги мазкур Низомнинг мақсади банк танлаган бухгалтерия ҳисоби методологиясини тафсирлашдан иборат.

Республикаимиз банкларида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тизими яратилган бўлиб, ушбу тизим банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади. Ушбу ҳуқуқий асослар ичида 1996 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур қонун республикаимизда дастлабки бухгалтерия ҳисобининг қонуний асосларини белгилаб берди. Чунки ушбу қонуний ҳужжатда биринчи марта республикаимизда бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини яратиш билан биргаликда корхона раҳбарлари ва мутахассисларига бухгалтерия ҳисобининг услубий ва ташкилий масалаларини ечишда етарли даражада ҳуқуқ ва имтиёзлар берилди. Ушбу ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби эса “Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари” нинг №1 сонли “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” андозасининг 1-50 бандларида ёритиб берилган. Унда ҳар бир хўжалик субъекти мустақил равишда ўзининг бухгалтерия ҳисоби тизимини, яъни ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши ва эълон қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Бухгалтерия ҳисобини бундай тарзда йўлга қўйилишининг моҳияти шу билан характерланадики, унда тегишли давлат органлари, хусусан, Марказий

банк томонидан ўрнатилган бухгалтерия ҳисобини юритишнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда ҳар бир тижорат банки ҳам молиявий фаолиятида кўзланган мақсадга эришиш учун бухгалтерия ҳисоби бажариши лозим бўлган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ҳисоб тизимини ишлаб чиқади.

Банкларга бундай ҳуқуқ ва имтиёзларнинг берилиши мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига ўтишнинг ижобий натижаси деб қараш мумкин. Чунки бухгалтерия ҳисоби халқаро андозаларининг биринчиси ҳам «Ҳисоб сиёсати» деб аталади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир тижорат банки мустақил равишда ўзининг бухгалтерия ҳисоби тизимини ишлаб чиқиши иқтисодий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларда «ҳисоб сиёсати» атамаси орқали ифодаланади.

Иқтисодий адабиётларда келтирилган таърифларнинг кўпчилигида ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларда рухсат этилган муқобил усуллар ва қоидаларнинг йиғмаси эканлиги таъкидланади. Аммо бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларда бухгалтерия ҳисобининг барча субъектлари учун ягона ва мажбурий бўлган бюджет ва бюджетдан ташқари ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар, устав капиталининг, валюта муаммоларининг ҳисоби ва бошқа жараёнларда муқобил вариантлар кўзда тутилмаган. Ушбу жараёнларда ҳисоб барча тижорат банклари учун бир хил тартибда амалга оширилишини кўзда тутди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади: “Ҳисоб сиёсати тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларда ягона, мажбурий бўлган, шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг рухсат этилган муқобил усули ва шаклларида банклар танлаб олган ва қабул қилган бухгалтерия ҳисобининг тизимидир”. Чунки, “Банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини

тартибга солиш Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади”[28;505]. Шунингдек, ушбу қонунда бухгалтерия ҳисобининг мақсади, вазифалари, субъектлари, объектлари, асосий қоидалари ва уни ташкил этиш тартиблари ҳуқуқий жиҳатдан мустахкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи ва иккинчи қисмларида банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишда кенг қўлланиладиган турли хил шартномалар, даъво муддатлари, мулк ва мажбурият ҳуқуқи, мажбуриятларнинг турлари, мулк ижараси, қарз ва кредит, банк омонати ва омонатни сақлаш, банк ҳисоб варағи ва ҳисоб-китоблар, интеллектуал мулк ва ворислик ҳуқуқи ва бошқа шу кабилар келтирилган бўлиб, улардан бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини таъминловчи қонуний ҳужжатлар сифатида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки тўғрисида» ги Қонунда банкларда бухгалтерия ҳисобига ахборотлар тизимини яратишдаги асосий манба сифатида алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ҳам тижорат банклари ҳисоботларининг ҳақиқийлигини таъминлаш мақсадида назорат қилиш вазифаси Марказий банк зиммасига юклатилган.

Тижорат банклари амалга оширадиган операцияларнинг энг мураккаби валюта операциялари ҳисобланади. Ушбу операцияларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида» ги Қонуни алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур қонун валюта операцияларини амалга оширишнинг асосий тамойилларини, уни тартибга солишда давлат органларининг ҳуқуқларини, чет мамлакатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, валюта назоратининг асосларини ва уни бузганлик учун жавобгарликни белгилаб беради. Банк тизимининг мижозлар ва кенг жамоатчилик учун шаффофлигини таъминлаш, банкларда замонавий ахборот тизимларини яратиш мақсадида 1994-1996 йилларда халқаро бухгалтерия андозаларига мос келувчи янги ҳисобварақлар режаси ва

банкларнинг бухгалтерия ҳисоби тизими ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди. Хусусан, банклар бир қатор солиқлардан озод қилинди ва солиқдан озод қилинган маблағлари уларнинг моддий техник базасини ривожлантиришга йўналтирилди. Дунё банк амалиётида камдан кам учрайдиган бу тадбир давлатимиз раҳбари томонидан банк тизимига билдирилган улкан ишонч бўлиб, у банк тизимининг моддий техник базасини жаҳон андозалари даражасига етказиш ва республикамиз Ҳамдўстлик мамалакатлари ичида биринчи бўлиб, ягона электрон тўлов тизимини яратиш имконини берди. Республика банк тизимини автоматлаштириш ва компьютерлаштиришга қаратилган чора тадбирлар натижасида нафақат банкнинг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ахборот тизими локол дастурлар мажмуи, балки иқтисодиётнинг молиявий фаолиятини таъминловчи миллий тўлов тизими яратилди.

Бироқ бугунги кунда дунё хўжалигида кузатилаётган иқтисодий жараёнлар ҳукуматимиз томонидан банк тизими соҳасида ҳам қўшимча қатъий ва изчил ислохотлар амалга оширилишини заруратга айлантормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этишга қаратилган бўлиб, унга кўра 2009 йил 1 январдан бошлаб янги ташкил этиладиган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси

бўйича эквиваленти 400, 0 минг АҚШ долларида кам бўлмаслиги, ҳамда фаолият юритаётганлари эса 2010 йилнинг 1 январигача ўзларининг устав жамғармалари миқдорини қайта рўйхатга олинган санада курс бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишларини таъминламаган ҳолларда:

“...тегишли тартибда банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларга мулк сифатида сотиш;

- банклар томонидан банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайта жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш;

- кейинчалик корхоналарни стратегик инвесторларга бозор қийматида сотиш”[19;6] каби ҳуқуқий жиҳатлар асосланган. Шунингдек, республикада жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастурининг иккинчи бўлимида жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора – тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш белгиланган, хусусан:

- айланма маблағларни тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоиздан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорларини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясида кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш. Ушбу

ҳолатлар банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларига баъзи ўзгартиришлар киритилишини тақозо этади. Чунки, банкларда ҳисоб ишлари ва ҳисоботлар бўйича Марказий банк томонидан доимий назорат ташкил этилган бўлиб, уларнинг ифодаси банклар томонидан тақдим этилаётган ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига боғлиқ.

3. Банкларда молиявий ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш тамоийллари

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги мулкчиликнинг қайси шаклига тааллуқли бўлишидан қатъий назар, улар томонидан юритиладиган бухгалтерия ҳисоби Марказий банк ва Молия вазирлиги томонидан чиқарилган йўриқнома ва кўрсатмалар талаби даражасида бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонунининг 41 – моддасида “Банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланади”[4;46] деб ёзиб қўйилган. Шундай экан, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиблари ва ҳисобот қоидалари бузилганлиги учун банк раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Айни пайтда бу йўриқномалар ўз вақтида банк филиалларига етказилмоғи, шу билан бирга маҳаллий органлар, солиқ назорати органлари билан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим. Чунки банк бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш доираси жуда кенгдир. Хусусан, бухгалтерия ҳисоби ва шу асосда тузиладиган банкнинг молиявий ҳисоботлари, унинг маълумотлари Давлат тартибга солиш органлари учун тижорат банкларнинг молиявий аҳволи, пул муомаласининг ҳолати, халқ хўжалигидаги нақд пулсиз ҳисоб – китоблар ҳолатини ўрганиш учун ўта муҳим ҳисобланади. Мазкур қонуннинг 42 – моддасида банкларнинг молиявий ҳисоботларини эълон қилиш тартиблари белгиланган, яъни “Банклар ўз молиявий ҳисоботларини Марказий банк белгилайдиган шакл ва муддатларда, унда

кўрсатилган маълумотнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, матбуотда эълон қиладилар”[4;46].

Банк эгалари шу билан бирга унинг ҳиссадорлари учун бу маълумотлар банк маблағларининг қандай жалб қилинаётганлиги, улардан қай усулда фойдаланилаётганлиги, банк актив операцияларидан қандай молиявий натижалар кутлаётганлигини билиш учун ҳам жуда муҳим. Таҳлилларимиз кўрсатадики, бундан ташқари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари банк раҳбарлари, унинг ходимлари, айтиш чоғда банк мижозлари учун ҳам қизиқарлидир. Чунки банк раҳбарлари ва унинг барча ходимлари банкнинг кунлик активлари ва мажбуриятларини ҳолати, даромадлари ва харажатларининг таркиби билан қизиқсалар, банк мижозлари эса банк ликвидлиги ва унинг барқарорлик даражасини билишни истайдилар. Банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашганини сезган мижозлар бошқа барқарор банкка ўз маблағларини ўтказиб, унинг хизматидан фойдаланишни афзал кўрадилар. Демак, банк бухгалтерия ҳисоби маълумотлари банк ҳақидаги аниқ маълумотларни олиш нуқтаи-назаридан Марказий банк, Солиқ назорат идоралари, барча тижорат банклар ва мижозлар учун жуда зарурдир. Бу маълумотлар асосида банкнинг ликвидлиги, йўл қўяётган хатари, захиралари, кредит портфели ҳолатини белгилаш имконияти вужудга келади. Хусусан, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирозини келтириб чиқарган асосий сабабларидан бири, “- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши; - молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва сохта аудит хулосалари тақдим этилиши; - молиявий рағбатлантириш услуги сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги”[17;15] дир. Шундай экан, банкларда ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш белгиланган тамойилларга асосланиши объектив зарурият ҳисобланада. Банкларда молиявий ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш тамойиллари бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ унинг сифат хусусиятларида

акс эттирилган. Банкларда молиявий ҳисоботнинг тўрт асосий сифат хусусияти – тушунарлилик, мувофиқлик, аниқлик ва қиёсланувчанликка қўшимча равишда, Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартлари (МХХС)да қуйидаги сифат хусусиятлари, яъни тамойиллари баён этилган: муҳимлик, ҳаққонийлик, мазмуннинг шаклдан устунлиги, бетарафлик, эҳтиёткорлик ва тўлиқлик. Шунингдек, МХХСда ахборотнинг ҳаққонийлиги ва мувофиқлигини чекловчи уч омил тавсифланган: ҳисоботларнинг ўз вақтида тузилиши, даромад ва харажатларнинг мувозанати ҳамда сифат хусусиятларининг мослиги. Учинчи омил МХХСда баён этилган молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг икки асосий шарти билан ифодаланади: ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади ва банк “фаолият кўрсатаётган банк” бўлиши лозим. Ушбу тамойил ва қоидалар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар банкнинг молиявий аҳволи ва ундаги ўзгаришлар ҳақида “аниқ ва холис тасаввур” олиш имконини беради.

Республикаимиз банкларида бугунги кунда молиявий ҳисоботнинг қуйидаги шакллари тузилмоқда:

- баланс ҳисоботи (кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик);
- даромадлар ва харажатлар ҳақида ҳисобот;
- пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- аудиторлик хулосаси.

Бироқ, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда банкларда ҳар куни кун якунида кунлик баланс тузилади. Унда кун давомида бажарилган жараёнлар баланс ҳисобварақлари орқали дебет ва кредит айланмалар ҳамда актив ва пассив қолдиқлар шаклида акс эттирилади. Кунлик балансда баланс ҳисобварақларининг бўлимлари кўрсатилиб, бунда ҳисобварақнинг қайси бўлимга тегишли эканлигини кўриш мумкин.

Ҳисобварақларнинг кўрсатилган номерлари эса, бу қайси ҳисобварақда айланиш амалга ошганлигини билиш имкониятини яратади. Сўнгра дебет ва кредит айланишлар акс эттирилиб, дебет ва кредит айланишлар тўғрисида

ахборот олиш учун акс эттирилади. Охирги бўлимларда актив ва пасив қолдиқларнинг акс эттирилиши, ҳар бир ҳисобварақ бўйича қолдиқларни билиш имкониятини беради. Кунлик баланс банк раҳбарининг бошқарув қарорларини қабул қилиши учун тузилса, умумлаштирилган ойлик баланслар Марказий банкни ахборот билан таъминлаш мақсадида, чораклик ва йиллик баланслар солиқ идораларига солиққа тортиладиган базани аниқлаш мақсадида топширилади.

Банкларда молиявий ҳисоботларни тузишда банкнинг бухгалтерия бўлими алоҳида аҳамиятга эга. Бухгалтерия бўлими банк фаолиятининг кўлами ва йўналиши, мижозлар сони ҳамда бошқа кўрсаткичларга қараб бир қанча гуруҳлардан иборат бўлади. Бу гуруҳларда иш юритувчилар маъсул ижрочи деб аталади. Ҳар бир маъсул ижрочиға бир неча мижозлар бўлиб берилиб, улар ўзларига бўлиб берилган корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб, касса ва валюта, кредит операциялари бўйича ҳисоб ишларини олиб борадилар, уларга хизмат кўрсатадилар. Бундан ташқари ҳисоб операциялар бўлимида банклараро ҳисоб китоблар бўлими, давлат бюджетини кассавий ижроси бўлими, банк ички операцияларини ташкил этиш бўлими ҳам мавжуд бўлади. Бу бўлимларда ишловчи бухгалтерлар сони ҳам мазкур бўлимда бажариладиган операциялар кўлами билан белгиланади. Банклараро ҳисоб – китоблар бўлимининг вазифаси маъсул ижрочилардан бошқа банкларга тегишли бўлган, ўтказишлари керак бўлган ҳужжатларни қабул қилиш, уларни банклар бўйича саралаш, ҳужжатлардаги ёзувларнинг тўғрилигини филиаллараро айланмалар бўйича назорат қилиш ва бошқа банкка ҳужжатларни электрон почта орқали жўнатишдан иборат. Давлат бюджетининг кассавий ижроси бўйича бўлим бухгалтерлари давлат бюджети даромадлари ва харажатлари бўйича операцияларни ташкил этадилар, бу операциялар ҳисобини олиб борадилар, давлат бюджети харажатларининг тўғри ва қонуний сарфланиши устидан назорат ўрнатадилар. Юқорида санаб ўтилган бўлимлар фаолиятини ташкил этиш бош бухгалтер зиммасига

юклатилган. Банкда мижозлар сони, бажарадиган операциялар кўлами ва ҳисоб – операция бўлимидаги гуруҳлар сонига қараб бош ҳисобчининг бир ёки икки муовини тайинланади. Қўшимча ва бош дафтарларда операцияларни қайд этиш, дастурли компьютер тизимида ҳисоботлар тузиш ишларига умумий раҳбарлик қилиш банк бош бухгалтерининг вазифасига киради. Банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш билан бош бухгалтер шуғулланади. Марказий банк томонидан олиб борилаётган қатъий пул кредит сиёсати тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.


I-БОБ бўйича хулоса

Банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этиш объектив зарурият ҳисобланади. Банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этиш унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига боғлиқ. Республикамизда банклар ҳисоби ва ҳисоботининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилган. Бухгалтерия ҳисобининг ташкилий асоси бу - банкларнинг ҳисоб сиёсати, ҳуқуқий асоси эса Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги, “Марказий банки тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Марказий банк йўриқномалари, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари ҳисобланади. Банкларда молиявий ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш тамойиллари–тушунарлилик, мувофиқлик, аниқлик ва қиёсланувчанлик, муҳимлик, ҳаққонийлик, мазмуннинг шаклдан устунлиги, бетарафлик, эҳтиёткорлик ва тўлиқликдан иборат. Банкларда молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг икки асосий шартини таъминлаш мақсадга мувофиқ: ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилиши ва банк “фаолият кўрсатаётган банк” бўлиши лозим. Ушбу тамойил ва қоидалар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар банкнинг молиявий аҳволи ва ундаги ўзгаришлар ҳақида “аниқ ва холис тасаввур” олиш имконини беради.

II-Боб. Миллий банк Қашқадарё вилояти бўлимида ҳисоб тизимининг амалдаги ҳолати таҳлили

1. Банкда бухгалтерия ҳисобини юритиш шакллари ва унинг регистрларини таҳлил қилиш

2008 йилда республикада фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 30 тани ташкил этиб, уларнинг 3 таси давлат-тижорат банки, 11 таси акциядорлик-тижорат банки, 11 таси хусусий банк ва 5 таси хорижий капитал иштирокидаги банклар ҳисобланади (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони ва таркиби [18;106]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли Қарори талабларига мувофиқ, аҳолига, хусусан, мижозларга касса хизматларини кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан ташкил этилган махсус кассалар сони 1411 тадан ошди. Шунингдек, республика бозорлари ҳудудида банк инфратузилмаларини кенгайтириш мақсадида ўтган йил давомида тадбиркорлардан бозор хизматлари ва бошқа тўловларни қабул қилиш учун 582 та махсус кассалар ташкил этилди.

Республикада банк инфратузилмаларининг кенгайиб бориши банклар ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтирмоқда. Бугунги кунда

банкларнинг капиталлашуви жараёнининг чуқурлашуви улар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг юзага келаётганлиги ва кўрсатилаётган хизматлар кўламининг кун сайин кенгайиб бораётганлиги ўз-ўзидан банкларни бир ҳудуд доирасида чекланиб қолмасдан, халқаро молия бозорларига чиқишларини тақозо этади. Зеро, банкларнинг инвестиция жараёнларидаги, корхоналарни модернизация қилиш, уларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги иштироки бевосита хорижий кредит линияларини жалб қилиш орқали янада фаоллашади. Бунинг учун эса, банкларнинг халқаро рейтинг агентликларининг кредитга лаёқатлик борасидаги рейтингига эга бўлишлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, Ташқи Иқтисодий Фаолият (ТИФ) Миллий банки “Мудис” халқаро рейтинг компаниясининг ҳамда “Капиталбанк”, “Стандарт энд Пурс” халқаро нуфузли рейтинг компаниясининг кредитга лаёқатлилики бўйича барқарор рейтинг баҳосини олди (1-2-иловалар). Шунинг учун ҳам Миллий банк халқаро ҳамда миллий иқтисодиётда ўз нуфузига эга бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 61 филиалга эга 14 та тижорат банки фаолият кўрсатаёпти ва улар статистик маълумотларга кўра 70000 дан ортиқ хўжалик субъектларига хизмат кўрсатмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, охириги уч йиллик маълумотларга кўра хўжалик субъектлари сонини ўсиш динамикаси йилига 39,1% ни ташкил қилаётганлигини ҳисобга олсак, банк хизматларига бўлган эҳтиёж ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, ТИФ Миллий банк Қашқадарё вилояти бўлими 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда унинг бешта бўлими мавжуд. Банк бўлими ва унинг филиалларида тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинаётган долзарб ва устувор йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорларга ажратаётган турли йўналишдаги кредитлари орқали вилоятимиз ҳамда республикамиз иқтисодиётига ўз улушини қўшмоқда.

Банк бўлими ва филиаллари томонидан 29580 та мижозга хизмат кўрсатилаётган бўлса, ушбу мижозларнинг 3800 таси бугунги кунда турли йўналишдаги банк кредитларидан фойдаланиб келишмоқда. Банк бўлими ва филиаллари томонидан 2008 йилда мижозларга жами 24308,7 млн.сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, кредитларнинг 16010,8 млн.сўми банкнинг ўз маблағларидан, 208,0 млн.сўми иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан, 8089,9 млн.сўмлик қисми эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг марказлаштирилган маблағларидан 2008 йил ғалла ва пахта ҳосили учун ажратилди. 2008 йил якунида саноатга йўналтирилган кредит қуйилмалари 3948,1 млн.сўми, яратилган ишчи ўринлари 213 тани, қишлоқ хўжалигига йўналтирилган кредит қуйилмалари 12905,3 млн.сўми, яратилган ишчи ўринлари 1100 тани, савдога ажратилган кредит қуйилмалари 2646,4 млн.сўми, яратилган ишчи ўринлари 63 тани, қурилиш ва маиший хизматга йўналтирилган кредит қуйилмалари 1016,9 млн.сўми, яратилган ишчи ўринлари 51 тани, бошқа тармоқларга йўналтирилган кредит қуйилмалари 3792 млн.сўми, яратилган ишчи ўринлари 42 тани ташкил этди (2.1.2-расм).

Вилоят аҳолисини сархил мева ва сабзавотлар билан таъминлаш мақсадида иссиқхоналар қуриш учун тадбиркорларни 14 та лойиҳаси молиялаштирилиб, шундан 135 млн. сўми банк маблағи ҳисобидан, 70 млн. сўми тадбиркорларни ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилди.


2008 йилни 9 ойи давомида 52 фуқорага 1640,5 млн. сўмлик ипотека кредити ажратилиб, шундан 1191,3 млн. сўмини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ 3878 – сонли Фармонида асосан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш мақсадида 37 та ёш оилаларга ажратилган кредитлар ташкил этди. Шунингдек 128 фуқорага 448 млн. сўм истеъмол кредитлари ажратилиб, шундан 173 млн. сўмини 34 та ёш оилага ажратилган кредитлар ташкил этган. Бундан ташқари 21 та тадбиркор ёш оилаларга 479 млн. сўм микрокредит ажратилган. Бугунги кунда банк

томонидан Хитой давлати Тараққиёт банки кредит линиясини ўзлаштириш бўйича иш олиб борилмоқда. Хусусан, 2008 йилнинг учинчи чораги давомида 727,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган. Шундан:

1. “Ал саид” хусусий фирмасига диаметри 450 мм дан 1000 мм гача бўлган полителин қувирлар ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олиш учун 425 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция кредити ажратилган.

2. “Саид мирзо Улуғбек” хусусий корхонасига полителин қопқоқлар ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олиш учун 110,2 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция кредити ажратилган.

3. “Сундуз савдо” МЧЖ га автокран эксковатор сотиб олиш учун 191,3 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция кредити ажратилган.




2.1.2-расм. Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлими томонидан 2008 йилда халқ хўжалиги тармоқларига ажратилган кредит қуйилмалари.

Банкнинг мазкур ижобий натижаларга эришиши ҳисоб ва ҳисоботларни тўғри ва халқаро стандарлар даражасида ташкил этилаётганлигидадир.

Банкда ҳисоб ишларини жаҳон амалиёти ва халқаро стандартлар асосида ташкил этишга эътибор қаратилган бўлиб, жамлама ҳисоб ўрнига бош китоб, аналитик ҳисоб-китоблар қўлланилмоқда. Банкда бош китоб деб – ҳисобварақлар гуруҳига айтилади. Бош китоб - бу банк молиявий ҳисоботларида (баланс ҳисоботи, даромад ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот ва б.) кўрсатиладиган ҳисобварақлар гуруҳидир(2.1.3-расм). Бош китобдаги ҳисоб варақлар умумий маълумотни акс эттиради. Лекин батафсил маълумот билан таъминламайди. Бирламчи бухгалтерия операциялари ҳисобварақлар гуруҳи батафсил маълумот берадиган ёрдамчи китобларда акс эттирилмоқда. Ёрдамчи китобда якуний суммалар ҳар куннинг охирида, шунингдек ой охирида, янги ойнинг 1 кун ҳолатига кўра уларнинг бош китобдаги назорат суммасини балансдаги сумма билан бир хил бўлишини таъминламоқда. Банкда хорижий валюталардаги операциялар бўйича бош ва ёрдамчи китоблар ҳар бир валютанинг тури бўйича алоҳида – алоҳида юритилмоқда. Ёрдамчи китоб ҳисобварақларидаги маълумотлар қуйидагилардан ташкил топган:

- ҳисобварақлар қолдиғининг кунлик баланси;



2.1.3-расм. Тижорат банклари ҳисобварақлари режасининг тузилиши ва кодлаштирилиш тартиби.

- баланс ҳисоб варақлари бўйича айланмалар ва қолдиқлар ҳақидаги жамланма маълумотлар;
- ойлик, чорақлик ва йиллик сальдо айланма қолдиқлари;
- кассанинг кирим ва чиқими бўйича касса журналлари;
- маҳаллий бюджетларга ажратмалар қайдномаси.

Банкда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишда бош ҳисобчи масъул ҳисобланади. Банк бош ҳисобчиси банкда ҳисоб – операция ишларини ташкил этади, банкнинг моддий ва молиявий ресурсларини тўла сақланишини таъминлайди. У банк раҳбарлари томонидан бош ҳисобчи вазифасига тайинланган.

Банк бўлимида ҳодимларнинг лавозим вазифалари рўйхати ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Банкнинг бош ҳисобчиси “Банк тизимининг бош ҳисобчилари тўғрисидаги Низом” асосида иш олиб бормоқда. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг иш режасида мазкур банкда қўлланилувчи иккинчи тартибдаги ҳисобварақлар: баланс ҳисобварақлари, балансдан ташқари ҳисобварақлар, муддатли операцияларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари, депозит ҳисобварақлари рўйхатидан фойдаланилмоқда.

Миллий банк Қашқадарё вилояти бўлимида бухгалтерия ҳисобини юритиш шакллари ва унинг регистрлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Марказий банк томонидан тавсия этилган ва белгиланган ягона шаклларда олиб борилмоқда. Чунки, молиявий назорат органлари ҳамда Марказий банк ҳисоб ва ҳисоботларни белгиланган шакл ва регистрларда тўлдирилган тақдирдагина қабул қилмоқда.

Банкларда ҳисобга олиниши керак бўлган ҳар бир операция ҳақидаги маълумотни ўз ичига жамлаган ва операциялар қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мажмуасига ҳужжатлаштириш дейилади. Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлими ўзининг иқтисодий фаолиятини ҳужжатлар асосида олиб бормоқда. Бухгалтерия ҳисобида иш олиб борилаётган ҳеч бир операция ҳужжатсиз амалга оширилмайди. Чунки ҳужжатлар мулкнинг

талон–тарож қилмасдан тўлиқ сақланишини таъминлашда асосий рол ўйнайди. Мисол учун пул маблағини банкка топшириш ёки банкдан олишни тўлиқ тўлдирилган ва олдиндан текширилган махсус ҳужжатлар асосида амалга оширилиши, ўтказиб бўлинган операцияларнинг тўғрилиги ёки қонунийлигини кейинчалик ҳам шу ҳужжатлар асосида текшириш имконини бермоқда. Текшириш натижалари таҳлил қилиниб, керакли тадбирлар белгиланмоқда, зарурий ҳолларда чоралар кўрилмоқда. Шунинг учун банкда ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобининг асоси ҳисобланади.

Ҳужжатлардаги операцияларнинг мазмуни, уни ҳисобга олиш учун керак бўлган барча белгилар ҳужжатларнинг реквизитлари ёки кўрсаткичлари дейилади. Ҳужжатлар “Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини олиб бориш ҳақидаги Низом”га мувофиқ барча ҳужжатлар учун мажбурий бўлган реквизитлар ўрнатилган. Ҳужжатларнинг асосий реквизитлари қуйидагилар:

1. Ҳужжатнинг тўлиқ номи.
2. Ҳужжатнинг тўлдирилиш муддати ва унинг рақами.
3. Пул топширувчи ва пул қабул қилиб олувчи корхоналарнинг тўлиқ номи.
4. Шу корхона ва ташкилотларнинг банкдаги ҳисоб рақамлари.
5. Уларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг номи, уларнинг коди.
6. Операциянинг мазмуни.
7. Тўланадиган сумма.
8. Раҳбар шахсларнинг имзолари ва корхонанинг муҳри.

Ҳар бир ҳужжат хатосиз, электрон вариантда бир йўла бир неча нусхада тўлдирилиб, компьютерда терилган. Касса операциялари бўйича ишлатилган ҳужжатлар бундан мустасно бўлиб, улар қўлда, ручкалар ёрдамида тўлдирилган.

Банкда ишлатилган барча ҳужжатларни биз шартли равишда икки қисмга ажратишимиз мумкин:

1. Корхоналар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар.
2. Банк томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар.

Ҳужжатларнинг асосий қисми корхона ва ташкилотлар томонидан тўлдириладиган ҳужжатларга, асосан нақд пулсиз ҳисоб – китоб билан боғлиқ ҳужжатлар: тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, тўлов талабномасининг рўйхати, чеклар рўйхати, касса операциялари бўйича эса пул топшириш ҳақидаги ҳужжат, пул чеки кабилар кирази. Банкка топширилган ҳужжатлар текширилганда, ҳар бир ҳужжатга корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг имзолари қўйилиб, улар муҳр билан тасдиқланган.

Бу ҳужжатлар банкда корхонанинг маълум хизматчиси томонидан махсус ажратиб қўйилган қутиларга солиб қўйилиши билан, ёки айнан шу корхонага хизмат кўрсатувчи маъсул ижроича бериш йўли билан топширилган. Таҳлилларимиз кўрсатадики, Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлимида ҳужжатлар маъсул ижроича томонидан шакл ва мазмун жиҳатдан пухта текширилган ва шу ҳужжатлар асосида маълум бир операциялар ўтказилган.

Корхоналар томонидан топширилган ҳужжатлар билан иш кўриш билан бир қаторда банкнинг ўзида ҳам маълум бир ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда. Масалан, банклар ўртасидаги ўзаро алоқаларда ишлатиладиган авизо, банк операциялари бўйича ишлатиладиган мемориал ва бошқа ордерлар, кирим ва чиқим журналлари, балансдан ташқари ҳисобларидан ордерлар, банк ходимлари бўйича кирим – чиқим ордерлари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлардир. Ушбу ҳужжатлар белгиланган тартиб ва қоидалар асосида юритилмоқда. Ҳозирги кунда республикамызда фаолият кўрсатаётган 2 поғонали банк тизими бўйича “авизо” деб номланувчи ҳужжат Марказий банк билан тижорат банклари ўртасидаги банклараро айланмалар бўйича операциялар ўтказилганда расмийлаштирилади. Тижорат банклари эса мижозларнинг ҳужжатлари

асосида электрон тўлов ҳужжатларини расмийлаштириб, ҳисоб марказига ўтказадилар.

Ҳужжатларда содир этиладиган операцияларнинг хажмига кўра, ҳужжатлар оддий ва йиғма бўлиши мумкин. Оддий ҳужжатларда фақат битта хўжалик операцияси акс этади, йиғма ҳужжатларда эса бир неча операциялар жамланган бўлади. Оддий ҳужжатларга тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, аккредитив очиш учун ариза, кирим ордери ва пул чекини мисол қилишимиз мумкин. Йиғма ҳужжатларга эса йиғма тўлов топшириқномаси, тўлов талабномасининг рўйхати, чеклар рўйхати, касса кирим ва чиқим журналларини кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотлар жараёнида бажариладиган операцияларнинг мазмунига кўра банк операциялари бўйича юритилган барча ҳужжатларни шартли равишда уч гуруҳга ажратдик:

1. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларда ишлатиладиган ҳужжатлар;
2. Нақд пул билан боғлиқ бўлган касса ҳужжатлари;
3. Балансдан ташқаридаги ҳисобварақлар бўйича ҳужжатлар;

Маълумки ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз пул маблағларини бирор банкда очган ҳисобварағида сақлайди ва барча нақд пулли ҳамда нақд пулсиз операцияларни мана шу ҳисобварақлар орқали ўтказди. Пул ўтказиш мижознинг топшириғи ёки мол жўнатувчи корхонанинг тўлов талабномаси орқали банк ходимлари томонидан бажарилади. Бу ҳолда нақд пул ишлатилмайди. Операциялар ҳисобварақлардан ёзувлар бажариш орқали ўтказилади. Шунинг учун бундай операцияларда ишлатиладиган ҳужжатларни нақд пулсиз ҳисоб – китобларда ишлатиладиган ҳужжатлар гуруҳига киритамиз.

Банк орқали ўтадиган операцияларнинг бир қисми нақд пул иштирокида амалга оширилмоқда. Бу банкнинг кирим ва чиқим касса операцияларидир. Банк мижозлари томонидан, яъни нақд пул билан муомала қилувчи савдо маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, маданий тадбирлар ўтказиш

билан шуғулланувчи муассаса ва ташкилотлар томонидан нақд пул тушумини топшириши билан боғлиқ операциялар касса кирим операциялари ҳисобланади. Халқ хўжалигининг турли тармоқларига қарашли бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи хизматчиларига иш ҳақи, нафақа, мукофот, хизмат сафари харажатларини тўлаш учун нақд пуллар олинади.

Бу операциялар чиқим касса операциялари бўлиб ҳисобланади. Ушбу операцияларда ишлатиладиган ҳужжатларни нақд пул билан боғлиқ касса ҳужжатлари гуруҳига киритишимиз мақсадга мувофиқдир.

Банкда баланс ичидаги ҳисобварақлар билан бир қаторда балансдан ташқари ҳисобварақлар ҳам юритилади. Бундай ҳисобварақларда, асосан қимматбаҳо қоғозлар ҳамда баъзи бир банк операциялари бўйича ҳужжатлар ҳисобга олинади. Масалан, тўланадиган аккредитивлар, тўлов муддатини кутаётган ҳисоб – китоб ҳужжатлари, ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар, балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича юритиладиган ҳужжатлар шулар жумласидандир. Бу ҳисобварақлардаги қолдиқ банк балансига таъсир этмайди. Шунинг учун бундай ҳужжатлар балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича ҳужжатларга киритилиши зарур. Бу гуруҳга ҳар бир корхона ва ташкилотлар томонидан тўлдирилган ҳужжатлар ҳамда банк томонидан тўлдирилган ҳужжатлар киради. Ҳужжатларнинг бундай тизимлаштирилиши банк операциялари бўйича ҳужжатларнинг тартибли айланишини таъминлайди.

Ҳужжатлар айланиши операцияларнинг қонунийлиги, ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини, ҳамда уларнинг ҳисобда тўғри акс эттирилишини текшириш билан боғлиқ бўлган ишларни ўз ичига олади. Ҳужжатлар айланиши банк операцияларининг ўз вақтида тўғри ва қонуний тарзда амалга оширилишида катта рол ўйнайди. Шунинг учун биз ўрганаётган банкда ҳужжатларнинг айланишига алоҳида аҳамият берилиб,

уларнинг айланиши ва миждозларга хизмат кўрсатиш вақти жадвалларига қатъий амал қилишларини тавсия этамиз.

2. Банк молиявий ҳисоботларининг таркиби, тузилиши ва тақдим этиишилнинг ҳозирги ҳолати таҳлили

Бош китоб банкларда умумлашган ҳисоб ҳақида ахборот бериб, банк молиявий ҳисоботида кўрсатиладиган ҳисобварақалар гуруҳи бўлиб ҳисобланади. ТИФ Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлими мисолида Бош китоб материаллари кўриб чиқилди. Маълумки, банкда баланс ҳар куни тузилади. Баланснинг ҳар икки, актив ва пассив қисмларининг ўзаро тенглиги банк иш куни яқунланганлигини билдиради. Бош китобнинг барча материаллари қатори кунлик баланси ҳозирги кунда банкда дастурий йўл билан компютер ёрдамида тайёрланмоқда. Ҳисобварақлар режасида ҳар бир ҳисобварақ учун у актив ёки пассив бўлиши, актив-пассив қолдиқларга эга бўладиган айрим ҳисобварақларидан ташқари аниқ белгилаб қўйилган. Актив ҳисобварақларга “Активлар”, “Харажатлар” ва “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари, пассив ҳисобварақларига “Мажбуриятлар”, “Капитал” ва “Дарамадлар” бўлимларидаги ҳисобварақлари тааллуқлидир.

Актив ҳисобварақларда турли хил активлар акс эттирилади ва улар фақат дебет сальдога эга бўлади. Активларнинг кўпайиши актив ҳисобварақларнинг дебети бўйича акс эттирилади.

Пассив ҳисобварақлар-мажбуриятлар ва сармоянинг ошишини акс эттириш учун мўлжалланган, фақатгина кредит сальдога эга бўлади. Мажбуриятлар ва сармоя ошиши мазкур ҳисобварақлар кредитида акс эттирилади. Биз қуйида банкнинг йиллик балансини таҳлилда қулай бўлиши учун қисқартирилган ҳолдаги кўринишини келтирамиз (2.2.1-жадвал). Бироқ баланснинг қисқартирилган ҳолда берилиши унинг мазмун моҳиятини

ўзгартирмайди. Чунки, банкларда бухгалтерия баланси кенгайтирилган ҳолатда тузилади.

2.2.1-жадвал

Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлимида тузилган кунлик баланс таҳлили (млн. сўмда)


№	Баланс ҳисобварақларининг бўлимлари	Баланс ҳисобварақларининг номерлари	Айланмалар		Қолдиқлар	
			дебет	кредит	актив	пассив
1.	Актив	10101	800.0	650.0	150.0	-
2.	Актив	10301	2500.0	2300.0	200.0	-
3.	Мажбуриятлар	20208	1350.0	1500.0	-	150.0
4.	Мажбуриятлар	20210	2300.0	2500.0	-	200.0
	Жами		6950.0	6950.0	350.0	350.0

2.2.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, ўрганилаётган давр бўйича баланс ҳисобварақлари икки қисмга бўлинган, яъни активлар ва пассивлар. Жадвал маълумотларидан кўринадик, банкнинг нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари ҳисобварағининг ёрдамчи 10101-“Айланма кассадаги нақд пуллар” ҳисобварағининг қолдиғи 800 млн сўмни ташкил этган ва уларнинг кунлик чиқими 650 млн.сўмга тенг бўлиб, актив қолдиқ 150 млн.сўмни ташкил қилган. Банкнинг пул айланиш шохобчаларидан 2500 млн.сўм пул тушуми таъминланган бўлса, чиқими эса 2300 млн.сўмга тенг бўлган ва актив қолдиқ 200 млн.сўмни ташкил қилган. Биз қуйидаги 2.2.1-расмда тижорат банкларида қўлланилаётган ва баланс тузиш имконини таъминловчи асосий ва ёрдамчи ҳисобварақлар тизимидаги касса ишларига мўлжалланган ҳисобварақларнинг таркибини келтирамиз.

Актив-пассив ҳисобварақлар бир вақтнинг ўзида ҳам актив, ҳам пассив бўлиши мумкин. Баланс тузилаётган вақтда бундай ҳисобварақларнинг дебет

томонидаги қолдиқ балансинг актив томонида, кредит томонидаги қолдиқ эса балансинг пассив томонида кўрсатилади.

Активларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида “Активлар” бўлимига контр-актив ҳисобварақлари, мажбуриятларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида эса “Мажбуриятлар” бўлимига контр-пассив ҳисобварақлари киритилган.



2.2.1–расм. Тижорат банклари касса ишларида қўлланилаётган асосий ва ёрдамчи ҳисобварақлар тизими.

Мажбуриятлар бўлимига банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни реал қийматини акс эттириш мақсадида фақат 23698- “Чиқарилган қимматли қоғозлар дисконти” (контр-пассив) ҳисобварағи жорий қилинган. Бу ҳисобварақда банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг номинал қиймати билан сотилган нархи ўртасидаги манфий

фарқ дисконт ҳисобида олиб борилади. Унинг дебитида қимматли қоғозларнинг номинал қийматидан паст баҳода сотилган дисконт суммаси акс эттирилади. Кредитида банк қимматли қоғозларини тўлашда ёки уларни кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олингандаги фарқ ҳамда дисконт амортизацияси суммалари ҳисобидан чиқарилиши акс эттирилади.

Контур ҳисобварақлар молиявий ҳисоботларда активлар ёки мажбуриятларнинг соф қийматини акс эттириш учун сальдолари уларга боғлиқ бўлган асосий ҳисобварақлар сальдосидан чегириладиган ҳисобварақлардир.

Контур-актив ҳисобварағига сальдоси ҳисоботда уларнинг соф (баланс) қийматини акс эттириш учун асосий воситаларнинг бирламчи қийматидан чегириладиган асосий воситаларнинг эскириши (амортизацияси) мисол бўла олади. Контур-пассив ҳисобварағига сотиб олинган ўз акцияларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин, ҳисоботда акциядорлик капиталининг ҳақиқий ҳажмини акс эттириш учун “Акциядорлик капитали” ҳисобварағи сальдосидан чегирилади.

“Кўзда тутилмаган ҳолатлар” бўлимига операцияларни иккиёқлама ёзув усули бўйича акс эттириш ва амалга ошириш операцияларнинг тўғрилигини қўшимча назорат қилиш имконини берувчи контур-актив ҳисобварақлар киритилган.

Аналитик ҳисоб юритиш учун банкларда шахсий ҳисобварақлардан ташқари ҳисоб ва регистрларнинг қўшимча журнали юритилиши мумкин.

Демак, банкнинг кунлик балансида сана ичидаги ҳисобварақ рақамлари, актив ва пассив ҳисобварақ қолдиқлар кўрсатилиб, банк иш фаолиятини бир кунлик якунини билдиради. Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдали булган молиявий ҳисоботлар тайёрлашдан иборат. Мазкур молиявий ҳисоботлар кенг фойдаланувчилар доирасининг умумий ахборотларга булган эҳтиёжларини қондиришга йуналтирилади. Молиявий ҳисоботлар таркибига бухгалтерия баланси, фойда

ва зарарлар ҳақида ҳисобот, пул окимлари ҳақида ҳисобот, изохлар ва графиклар киради.

Банк бухгалтерияси молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тузиш билан бирга, уларни банк раҳбариятига, тартибга солувчи органларга топшириш учун ҳам масъул ҳисобланади.

Мазкур талабларни бажариш мақсадида, бухгалтерия иши пухта ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ҳамда узлуксиз жараёнда ташкил этилиши лозим.

Таҳлиллар кўрсатадики, бош китоб материалларидан яна бири баланс ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқларнинг жамлама маълумотларидир. Бундай жамлама маълумотда, нафақат баланс ҳисобварақлари бўйича қолдиқ, балки, ҳисобварақ дебети ва кредитидан ўтган айланмалар суммалари ҳам акс эттирилади. Шунинг учун, аниқроқ маълумот олиш учун, ҳозирги кунда кўп банклар кунлик баланс билан биргаликда баланс ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқлари ҳақидаги жамлама маълумотларни ҳам тузиб борадилар. Ушбу бош китоб материали ҳам дастурий йўл билан компьютерда тайёрланмоқда. Баланс ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқлар ҳақидаги жамлама маълумотларда, банк номи унинг филиаллараро айланмалар бўйича рақами, сана, дебет ва кредит айланмалари, актив ва пассив ҳисобварақларининг қолдиқлари кўрсатилади. Бундай жамлама маълумотлар билан биргаликда банк раҳбариятининг ҳоҳишига кўра, ҳар куни, шу билан бирга айланма ва қолдиқ суммаларнинг ўсиб бориш тартибида бир ойлик ва чораклик, яъни ҳисобот даври учун маълумотлар тайёрланиши мумкин.

Ойлик, чораклик ва йиллик сальдо айланма қайдномалар ва бош китоб материаллари бўлиб ҳисобланади. Қайдномаларнинг ҳар бири маълум бир ҳисобот даврига яъни ой, чорак ва йил бўйича тузилади. Уларнинг ҳар бирида қайднома тузилган сана, ҳисоб варақ рақамлари ва улар бўйича

қолдиқлар кўрсатилади. Қайдномалар ҳар бири маълум бир давр учун келаси давр бошига тузилади.

Банк кассаси билан боғлиқ бўлган бош китоб материаллари иккита бўлиб, улар:

- кассанинг кирим журнали.
- кассанинг чиқим журналидан иборат.

Ҳар куни банк кассасига топшириладиган нақд пул суммаси кассанинг кирим журналида назоратчи томонидан қайд этилиб борилади. Унда сана, пул топширадиган корхона ҳисобварақи рақами, ҳужжат рақами, операция мазмуни, сумма кўрсатилади.

Кассанинг чиқим журналида ҳам кундалик чиқим касса операциялари бажарилганда назоратчи томонидан расмийлаштирилади. Журналда сана, миқдорнинг талаб қилиб олинган депозити бўйича ҳисобварақ рақами, корреспонденция ҳисобварақи рақами, операциялар мазмуни, ҳужжат рақами, ҳисобот белгиси, чек суммаси кўрсатилади. Шу билан биргаликда назоратчи ва кассирнинг имзоси учун ҳам алоҳида жой ажратилган. Касса журналидаги якуний натижалар дастурий йўл билан алоҳида касса кирими ва чиқими бўйича икки нусхада тузилади. Баланс ҳисобварақи ва бутун журнал бўйича якунлар чиқарилади. Якунлар касса маълумотлари билан таққослангандан сўнг, биринчи нусхалар қўшимча дафтар маълумотларини бош дафтар маълумотлари билан таққослаш, шунингдек, кирим ва чиқим ҳужжатларини таққослаш учун ишлатилади. Операциялар тугагандан сўнг, улар йиғмажилдга тикилиб, ҳар куни ҳужжатларни архивга топширишга тайёрловчи ходимга тақдим этилади. Бухгалтерия ҳисобининг юритилиши нафақат ҳисоботларни тузиш ва тегишли тартибда топширилишини ташкил этиш, балки банкнинг ўзини ҳам муайян даврдаги асосий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш ва молиявий ҳолатини ташхислаб бориш имконини беради. Биз қуйидаги 2.2.2-жадвалда банк ва унинг филиаллари фаолиятининг ҳисобот йили бўйича асосий кўрсаткичлари таҳлилини

келтирамиз. Жадвал маълумотларидан кўринадик, банкнинг жами кредит қўйилмалари 13200 млн.сўмни ташкил этади. Шундан банкнинг умумий қарздорлиги 547 млн.сўмни ташкил этиб, унда энг катта салмоқ Муборак филиали зиммасига тўғри келади, яъни жами қарзга нисбатан унинг улуши 86,47 фоизни ташкил қилади. Ушбу ҳолат Муборак филиалида даромадлар режасининг бажарилмаслигига сабаб бўлган. Бироқ банкнинг қолган филиаллари даромадлар режасини ошиғи билан бажарган. Хусусан, ҳисобот йилида олинган даромадлар Қарши бўлимида 29 фоизга, Ғузор филиалида 15 фоизга, Янги Нишон филиалида 38 фоизга ошган бўлса, Шахрисабз филиали режани ўзини бажарган. Шунингдек, рақамлардан кўринадик, банкнинг харажатлари ҳам ошган. Натижада банк ҳисобот йилида фойда билан чиқсада, фойда режаси бажарилмаган. Яъни режалаштирилган 1465 млн.сўмлик соф фойда ўрнига 1210 млн.сўмлик соф фойда олинган. Ушбу ҳолат мос равишда банкнинг бўлим ва филиалларида ҳам кузатилади.

2.2.2-жадвал

Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлими ва филиаллари фаолиятининг 2008 йил ҳолатига асосий кўрсаткичлари таҳлили (млн. сўмда)

№	Бўлим ва филиаллар номи	Кредит қўйилмалари	Муддати ўтган ва суд жараёни даги кредитлар			Олинган даромад			Умумий харажатлар			Олинган соф фойда		
			Умумий қарздорлик	Шу жумладан Асосий қарз	Муддати ўтган фоизлар	Режа	Ҳақиқатда	Бажарилиши	Режа	Ҳақиқатда	Бажарилиши	Режа	Ҳақиқатда	Бажарилиши
1.	Қарши бўлими	6283.1	16.9	16.9	-	2098	2722	129	1105	1434	129	864	698	80.8
2.	Шахрисабз филиали	900.8	-	-	-	305	305	100	198	208	105	93.1	72.5	77.9
3.	Муборак филиали	816.5	473	73	400	862	712	82	487	255	52	327	304	92
4.	Ғузор филиали	3012	54	54	-	348	403	115	237	294	123	96	73	76
5.	Янги Нишон филиали	2187	3.1	3.1	-	247	342	138	151	256	169	83	62	74
	ЖАМИ	13200	547	148	399	3861	4485	116	2180	2450	112	1465	1210	82

Банкнинг ликвидлиги ва тўловга қодирлиги соф фойда суммасининг ошишига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам фойда миқдорини ошиши ҳисобланадиган фоизларнинг тўғри ва тўлиқлигини таъминлашга, кредитларнинг қайтарилиш даражасига боғлиқ. Биз қуйида банкда фоиз ҳисоблаш тартиблари таҳлилини келтирамиз. Банкда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Банк кредитлари ва депозитлари бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Низомига мувофиқ, ҳар кун ҳисобварақларидаги қолдиқлар бўйича фоизлар ҳисобланади.

Фоизларни ҳисоблашда йиллик давр асос сифатида:

а) Бельгия франки, Сингапур доллари ва Англия фунт-стерлинги учун 365 кун қабул қилинади:

$$\frac{\text{Сумма} * \% \text{ ставкаси} * \text{амалдаги кунлар сони}}{365}$$

б) Ўзбекистон Республикаси ва МДХ мамлакатлари валюталари учун 360 кун қабул қилинади:

$$\frac{\text{Сумма} * \% \text{ ставкаси} * \text{кунлар сони (ҳар ой 30 кун деб ҳисобланганда)}}{360}$$

Бу ҳисоблаш усулида 31-чи кун ҳисобга олинмайди, февралда эса сўнгги кун учун қолдиқ 30 га неча кун етмаётган бўлса, шунча марта такрорланади.

Маблағлар суммасига фоизлар маблағлар қолдиғи ҳосил бўлган кундан бошлаб, улар олинishiдан олдинги кунга қадар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни оширмаслик сиёсати тўғрисида”ги Низомига мувофиқ, банк операциядан иқтисодий манфаат кўриши аниқ бўлган ҳоллардагина даромад ҳисобланади. Бинобарин, фоизларни оширмаслик усули қўлланганида банк алоҳида ҳолларда мазкур тўловни амалда олиши эҳтимоли мавжуд бўлмаса, даромадни ҳисоблашни тўхтатади.

Муқаддам банк даромадига ёзилган маблағларни олиш имконияти ноаниқ бўлган ҳолларда олинмаган сумма ёки олинмиш эҳтимоли бўлмаган сумма (балансинг даромадли моддасини камайтириш орқали) балансдан чиқарилиши лозим. Кредитлар тузилган кредит битимларига мувофиқ қарзнинг қайтарилмаган асосий суммасига асосан ҳисобга олинади.

Берилган кредитлар ва улар бўйича фоиз даромадларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси МБ Бошқаруви ишлаб чиққан “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га мувофиқ амалга оширилади.

Тўлаш ёки олиш учун фоизлар ҳар куни ҳисоблаш усулида ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Банк ҳар ойда ишлаб топилган ўз фоиз даромадини ва ҳар ойдаги фоиз харажатларини ўз молиявий ҳисоботларида акс эттириши керак. Бунинг учун “Олиш учун ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи дебетиға ёзиб қўйилади ҳамда “Фоиз даромади” ҳисобварағи кредитига ёзиб қўйилади. Худди шунингдек, банк ҳар ойда қарз маблағлар (олинган ссудалар) бўйича фоиз харажатларини ҳам ҳисобга олиб бориши лозим. Тўлаш учун ҳисобланган фоиз харажатларини ҳисобга олишда “Фоиз харажатлари” ҳисобварағи дебетиға ёзиб қўйилади ҳамда “Тўлаш учун ҳисобланган фоизлар” ҳисобварағи кредитига ёзиб қўйилади.

Банк молиявий кўрсаткичларини унинг реал аҳволиға мувофиқлаштириш мақсадида қайтарилиши шубҳали бўлган кредитларға нисбатан банк Ўзбекистон Республикаси МБ “Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни оширмаслик сиёсати тўғрисида”ги Низомига мувофиқ фоизларни оширмаслик қондасига амал қилади.

Фоизларни оширмаслик мақоми шуни билдирадики, банк маълум ссуда бўйича фоиз ёзмайди. Ссуда субстандарт ёки шубҳали деб таснифлангани ёки қарзнинг асосий суммаси ва фоизлар бўйича тўловлар 60 кун ва ундан ортиқ муддатға (қисқа муддатли ссудалар учун), 90 кун ва ундан ортиқ муддатға (бир йилдан ортиқ муддатға берилган кредитлар учун)

узайтирилган ёки бўлмаса кредит асосий суммаси ва фоизларнинг тўла қайтарилиши кечикиш давридан қатъий назар шубҳа уйғотгани заҳоти у фоизи оширилмайдиган ссудалар туркумига киритилиши лозим.

Кредит ёки қарз мажбуриятига “фоизни оширмаслик” макоми берилган пайтдан эътиборан:

а) барча кейинги тўловлар қарзнинг асосий суммаси тўлиқ қайтарилмагунча мана шу суммани қоплашга йўналтирилади;

б) барча ҳисобланган (ишлаб топилган), аммо тўланмаган фоизлар бухгалтерия балансидан қуйидаги йўсинда чиқариб ташланади:

1) Дт. 40000 “Фоиз даромади” (даромад моддасининг камайтирилиши).

Кт. 16309 “Тўлаш учун ҳисобланган фоизлар” (актив ҳисобварағи).

2) Дт. 91501 “Ссудалар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар”.

Кт. 96335 “Активлар бўйича фоизлар контр-ҳисобварағи ҳамда воситачилик ҳақи”.

в) банк кредит битимида мувофиқ фақат балансдан ташқари ҳисобварақларидаги фоизларни ҳисоблаши мумкин.

г) даромад солиғини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобланган, аммо тўланмаган фоизлар даромаддан чегириб қолинади, яъни солиққа тортилувчи асос ўз-ўзидан камайтирилади.

3. Банк ҳисоб тизимида активлар ҳисобининг юритилиш ҳолати ва ундаги мавжуд муаммолар таҳлили

Банк бухгалтерия ҳисобида ички ва ташқи фойдаланувчиларни ишончли ва тезкор ахборотлар билан таъминлашда қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши шарт:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;
- молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсадини мазкур ҳисобнинг уч асосий хусусиятини таърифлаш орқали белгилаш мумкин, булар: хўжалик юритувчи субъектлар ҳақидаги молиявий ахборотни идентификация қилиш, баҳолаш ва манфаатдор томонларга бериш. Ушбу хусусиятлар банкларда активлар ҳисобининг тўғри юритилиши ва тўғри баҳоланишини талаб қилади. Чунки, активларнинг тўғри баҳоланиши солиққа тортиладиган базани, ҳамда амортизация ажратмаларини тўғри ҳисоблаш имконини беради. Биз қуйида ТИФ миллий банк Қашқадарё вилоят бўлимида асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий активлар ва кам баҳоли тез эскирувчан буюмлар ҳисобининг юртилиш ҳолати ва баҳоланиш тартибларини кўриб чиқамиз.

Асосий воситалар – бу банк фаолиятида ҳамда ижарага бериш учун (лизинг) ишлатилувчи ҳамда узоқ (бир йилдан ортиқ) давр мобайнида амал қилувчи моддий активлардир. Асосий воситалар ҳисобини тўғри ташкил этиш банкларда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

1. Асосий воситалар ҳаракатини тўғри ва ўз вақтида тўлиқ ҳужжатлаштириш ва ҳисобини ташкил этиш.
2. Асосий воситалар қийматини қайта баҳолаш.
3. Асосий воситалар тўлиқ сақланиши устидан назорат олиб бориш.
4. Ўз вақтида эскиришини ҳисоблаб бориш.

Асосий воситалар балансда уларнинг дастлабки қиймати бўйича ҳисобга олинади. Банкда асосий воситалар сотиб олинанишдан олдин ёки олингандан сўнг пули тўланган. Улар қиймати олдиндан тўлиқ ёки қисман тўланганда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари ёзилган:

Дебет-19909 “Кўрсатилган хизматлар ва товар моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар”.

Кредит-10301, 16103 “Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи”.

Сотиб олинган бинолар балансда қуйидагича акс эттирилган:

Дебет-16509 “Банк бинолари ва бошқа иморатлар”.

Кредит-19909 “Кўрсатилган хизматлар ва товар моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар”.

Банк тўловни моддий активлар кирим қилингандан кейин амалга оширган ҳолларида, тегишли кирим ҳужжатларига асосан қуйидаги бухгалтерия ёзувлари бўйича проводка берилган:

Дебет-165** “Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи”.

Кредит-29802 “Кўрсатилган хизматлар ва товар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби”.

Банкда йиллик молиявий ҳисоботларни тузишдан олдин ҳар йили 1 декабр ҳолатига бинолар, иншоотлар ва жами моддий ашёларнинг мавжудлиги текширувдан, яъни инвентаризациядан ўтказилиб борилган. Қоидаларга мувофиқ, банк мол-мулки ва молиявий мажбуриятларини инвентаризация қилиш тартиби ва муддатларини банк раҳбари белгилайди ва тасдиқлайди. Бу ҳисоб сиёсатининг таркибий қисмидир. Инвентаризация натижалари банк даромадларининг шаклланишига таъсир кўрсатади: инвентаризация пайтида аниқланган ортиқча қимматликлар банк фойдасига кирим қилиниши лозим, бордию камомад аниқланган ва у моддий жавобгар шахслардан объектнинг баланс қийматидан ортиқ бозор баҳосида ундирилган бўлса, ортиқ сумма ҳам банк даромадига киритилади.

Банкда асосий воситаларнинг амортизацияси тўғри чизиқли амортизация усулида ҳисобланмоқда. Таҳлиллар кўрсатадики, банкда асосий воситалар амортизациясининг ҳисоб-китоби актив фойдаланишга киритилганидан кейин бошланган. Фойдаланишга киритилмаган активга амортизация харажатлари ҳисобланмаган. Амортизация ставкалари Давлат Солиқ

сиёсатиға мос ҳолда ҳисобланган. Биз қуйида амортизация ҳисоблаш ставкалари меъёрини келтирамиз:

2.2.3-жадвал

Тижорат банкларининг асосий воситалари тоифаси бўйича белгиланган
амортизация ставкалари

т/р	Асосий воситалар тоифаси	Амортизация ставкалари
1.	Автомобиллар, мавжуд воситаларни ташишга мўлжалланган махсус транспорт воситалари, ҳисоблаш машиналари, ҳисоблагичлар, ўт учириш ускуналари, компьютерлар ва комплектловчилар.	20%
2.	Нусха кўчириш ускуналари (фото нусха кўчириш машиналари), шкафлар, кондиционерлар, музлатгичлар, телевизорлар. Магнитофонлар, радио, гиламлар, пояндозлар, офис мебелли, валюта айирбошлаш шохобчалари, транспорт воситалари, кодли кулфлар, чоп этиш машинкалари.	15%
3.	Бошқа активларга киритилмаган амортизация қилинувчи активлар (ошхона электр ускуналари ва х.к.)	10%
4.	Дизель двигателлари – генераторлар, асбоб-ускуналар, электр ва телекоммуникация ускуналари (телефон, факс, модем).	8%
5.	Бино ва иншоотлар.	5%

Банкда асосий воситалар бўйича ҳисобланган амортизация ёрдамчи китобларда ҳар бир асосий восита бўйича ҳисобга олиб борилмоқда. Йиллик амортизация суммаси ҳар бир ой учун тенг улушларда банк харажатлари сифатида ҳисобга олинган.

Банкда асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши амалга оширилади.

Асосий воситани қайта баҳолашда мазкур актив мансуб бўлган асосий воситалар туркуми ҳам қайта баҳоланади.

Активнинг жорий суммаси дастлабки қайта баҳолаш натижасида амалга оширилган бўлса, оширилган сумма бевосита асосий воситаларни қайта баҳолаш заҳирасида ҳам ҳисобга олинади.

Активнинг жорий қиймати дастлабки қайта баҳолаш натижасида камайтирилган бўлса, камайтирилган сумма бевосита банк харажатларида ҳисобга олиниши керак.

Асосий воситани қайта баҳолагандан кейин активдан фойдаланишнинг қолган фойдали даври амортизацияларини дастлабки график билан мувофиқ ҳолатга келтириш мақсадида амортизация чегирмаларини ўзгартириш лозим.

Асосий воситалардан фойдаланишнинг фойдали даврини вақти-вақти билан таҳлилдан ўтказиш ва асосий воситалардан фойдаланишнинг мўлжалланган фойдали даври дастлабки белгиланган фойдали даврдан фарқ қилган тақдирда, олдинги ва келгуси даврлар учун амортизация чегирмаларига тегишли тартибда тузатишлар киритиш лозим.

Номоддий активлар – моддий ва жисмоний шаклга эга бўлмаган фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган банк хизматлари кўрсатиш ва маъмурий мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган активлардир. Номоддий активларга патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, савдо маркалари, компьютер дастурий таъминотлари, лицензиялар киради. Сотиб олинган номоддий актив бошланғич қиймат бўйича баҳоланади ва ҳисобга олинади. Банкда номоддий активлар ҳисоби 16601- “Номоддий активлар” ҳисобварағи бўйича юритилади. Номоддий активларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир номоддий активлар бўйича олинган алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади. Номоддий активлар қиймати олдиндан тўлиқ ёки қисман тўланганда қуйидагича бухгалтерия ёзувлари ёзилади:

Дебет-19909 “Кўрсатилган хизматлар ва товар моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар”.

Кредит-10301, 16103 “Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи”.

Активлар келиб тушганда:

Дебет- 16601 “Номоддий активлар”.

Кредит-19909 “Кўрсатилган хизматлар ва товар моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар”.

Агар банк номоддий активни келиб тушгандан сўнг тўловни амалга оширса, қуйидагича бухгалтерия ёзувлари ёзилади:

Дебет- 16601 “Номоддий активлар”.

Кредит-29802 “Кўрсатилган хизматлар ва товар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби”.

Номоддий активлар қиймати тўланганда:

Дебет-29802 “Кўрсатилган хизматлар ва товар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби”.

Кредит-10301, 16103 “Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи”.

Номоддий активлар текинга олинганда:

Дебет- 16601 “Номоддий активлар”.

Кредит-30905 “Текинга олинган мулклар”.

Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришда, қолдиқ қиймат қуйидагича аниқланади:

Жамғарилган амортизация суммасига:

Дебет-16605 “Номоддий активларнинг йиғилган амортизация суммаси” .

Кредит-16601 “Номоддий активлар”.

Ҳозирги кунда тижорат банкларида қимматли қоғозлар муомалалари ташкил этилган. Хусусан, тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларини ташкил этиш мақсадида бир неча ҳисобварақлар очилган. Тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда олиб борилади:

23602 – Чиқарилган облигациялар.

23604 – Чмқарилган жамғарма сертификати.

23606 – Чиқарилган депозит сертификатлари.

23608 – Чиқарилган вексиллар.

23610 – Чиқарилган бошқа қимматли қоғозлар.

Мазкур ҳисобварақларнинг кредитида банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Дебетида эса, сўндирилган ёки сўндириш муддатидан олдин қимматли қоғоз эгаларидан қайта сотиб олинган банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг номинал қиймати ҳисобдан чиқарилади. Бизга маълумки, тижорат банкининг асосий мақсади – фойда олиш. Шунинг учун улар тижорат фаолияти олиб борадилар ва бунда қимматли қоғозлар савдоси билан шуғулланадилар.

Банк томонидан тижорат мақсадларида сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

10701-Давлат хазина вексиллари;

10705-Давлат облигациялари

10709-Марказий банкнинг облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари.

10711-Давлат корхоналари қимматли қоғозлари

10715-Еврооблигациялар

10719-Хусусий корхоналар қимматли қоғозлари

10797-Бошқа қимматли қоғозлар.

Ушбу ҳисобварақларнинг дебетида сотиб олинган қимматли қоғозлар қиймати, кредитида эса сотилган қимматли қоғозлар қиймати акс эттирилади.

Банкларда асосий воситалар билан бирга кам баҳоли тез эскирувчан буюмлар ҳам ишлатилади. Кам баҳоли тез эскирувчан буюмлар бу хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ва қиймати минимал иш ҳақининг 50 баробаридан юқори бўлмаган буюмлар бўлиб, уларга концелярия ва офис буюмлари, турли хил бланкалар, почта ва ҳужжат маркалари киради. Мазкур буюмларнинг ҳисоби сотиб олиш қиймати бўйича юритилади.

Кам баҳоли тез эскирувчан буюмлар қиймати олдиндан тўлаб бериш орқали сотиб олинганда қуйидагича проводка берилади:

Дебет-19909 “Кўрсатилган хизматлар ва товар моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар”.

Кредит-10301, 16103 “Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи” ёки Кредит-20208,20210 “Мижознинг ҳисобварағи”.

Кам баҳоли тез эскирувчан буюмлар фойдаланишга берилганда қуйидагича проводка берилади:

Дебет-56406 “Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари”

Кредит-19921- “Омборхонадаги кам баҳоли тез эскирувчан буюмлар”.

Банкда бажарилаётган барча операциялар бланкали бухгалтерия ҳисоби материалларида акс эттирилади, лекин таҳлиллар кўрсатишича, бухгалтерия ёзувларини бажаришда хатоликларга йўл қўйилиш ҳолатлари кузатилади. Шунинг учун қўшимча китоб материалларидаги ёзувлар қанчалик тўғри акс эттирилганлиги уларни умумий маълумотлар бўйича ёзувларнинг бош дафтар маълумотлари билан мос келиши назорат қилинади. Назорат қилиш шахсий ҳисобварақлардаги ёзувларни шу ҳисобварақларни юритиш топширилган бухгалтерия ходимлари томонидан амалга оширилади.

Бунда шахсий ҳисобварақдаги барча ёзувлар банкнинг ваколатли ходимлари назоратидан ўтган ва операциялар расмийлаштирилаётганда, улар имзолаган тегишли ҳужжатларга мослиги, ҳужжатларга тегишли реквизитлар, ва ҳужжатларнинг суммалари шахсий ҳисобварақларга тўғри ўтказилганлиги текширилади. Шахсий ҳисобварақлардаги ёзувлар дебет ва алоҳида кредит бўйича ҳужжатлардаги ёзувларнинг суммаларини банкка келиб тушган ҳужжатлар билан бандма – банд солиштириш орқали текширилади.

Шахсий ҳисобварақлардаги кун бошига бўлган қолдиқлар уларни аввалги кундаги шахсий ҳисобварақлар қайдномаси билан солиштириш орқали текшириб кўрилади. Шахсий ҳисобварақлар бўйича кун бошига бўлган қолдиқларни ҳисобга олган ҳолда дебет ва кредит операциялари бажариб бўлингандан сўнг кун охирига бўлган қолдиқ ҳисоблаб чиқарилади. Шахсий ҳисобварақларнинг кун охирига бўлган қолдиқлари кундалик салдо қайдномаси бўйича текширилади. Бундай шахсий ҳисобварақнинг кун

охирига бўлган қолдиқлари салдо қайдномасидаги ҳисобварақ рақами, ҳисобварақ номи ва чиқувчи қолдиқ билан таққосланади.

Шахсий ҳисобварақлар бўйича тегишли назорат ўтказилгандан сўнг, банк бир кунлик балансига тегишли ўзгаришлар киритилади. Кундалик баланс тўғри тузилганлиги актив ва пассив бўйича қолдиқлар якунлари тенглигини аниқлаш орқали, кутилмаган вазиятлар ҳисобварақлари қолдиқларинининг якунини тўғрилиги эса, у аввалги кун баланси якунига мослиги пул кредит айланмалари якуни минус билан тузилаётган кундаги дебет айланмалари якунини аниқлаш орқали текширилади. Баланс активи баланс пассивига тенг чиқиши керак. Баланс пассиви банк мажбуриятлари ҳисобварағи қолдиқлари ҳамда банк сармоясини ифодаловчи ҳисобварақлар қолдиқларининг йиғиндисидан иборат.

Кундалик баланс чиқарилгандан сўнг, унга банк бошқарувчиси ва бош ҳисобчиси томонидан имзо қўйилади. Ҳар бир банк раҳбари ва бош ҳисобчиси банк ишини ўз мижозларига нормал хизмат кўрсатиши, ўз вақтида банк баланси тузилиши ҳамда ҳужжатлар айланиш қоидаларига амал қилган ҳолда ташкил қилиш учун шахсан жавоб берадилар. Агар операцион иш куни охирида баланс тўғри чиқмаса, ёки банк мижозларига хизмат кўрсатиш бирон сабаб билан издан чиқса, бу ҳақда банк раҳбарлари юқори банк ташкилотига хабар бериши шарт, бунда йўл қўйилган қонунбузарликлар, уларни бартараф этиш учун банк раҳбарлари томонидан кўрилган чора тадбирлар ҳақида ҳам хабар бериши лозим. Баланс чиқмагани ҳақида белгиланган муддатда хабар қилмасалар, банк раҳбари ва бош ҳисобчилар қаттиқ жазога тортиладилар, хатто эгаллаб турган вазифаларидан озод қилинишлари ҳам мумкин.

Шу сабабли банк раҳбари ва бош ҳисобчиси асосий ва қўшимча китоб материалларидаги ёзувларни ўз вақтида таққослаб, улар бўйича хато ёзувларни тузатиш устидан назорат олиб боришлари лозим.

Асосий ва қўшимча бухгалтерия дафтарларида, шунингдек кундалик баланс ва шахсий ҳисобварақларида бирон – бир тузатишлар қилишга йўл қўйилмайди. Суммаларни ўчириб ёзиш ва тузатиш, шунингдек ўчирувчи суюқликлардан фойдаланиб, тузатишлар киритиш тақиқланади. Хатолар борлиги аниқланган ҳолларда шахсий ҳисобварақ ва ҳужжатларнинг қайта ёзилиши ман этилади.

Шундай хатолар аниқланганда банк томонидан қандай йўл тутилади? – деган савол туғилиши табиий. Бухгалтерия ёзувларидаги хатоларни тузатиш бўйича йўл – йўриқлар “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи” бўйича 61 – сонли йўриқноманинг 2-қисм 3-бобида батафсил кўрсатиб берилган.

Йўриқномага кўра, операция куни якунланиб, баланс тузилгандан кейин аниқланган хато ёзувлар, шу хато ёзувлар киритилган ҳисобварақаларга қайтарма бухгалтерия ёзувлари киритиш йўли билан тузатиш ордерлари асосида тузилиши керак. Бундай ҳолларда ҳисобварақлардан суммалар мижозларнинг розилигисиз чиқарилади. Бу ҳақда томонлар ўртасида банк хизмати кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилаётганда шартномада белгилаб қўйилиши лозим.

Тузатиш ордери тўрт нусхада тузилади. Уларнинг биринчи нусхаси бухгалтерия ёзувларини ўтказиш учун мемориал ордер бўлиб хизмат қилади. Иккинчи ва учинчи нусхалар мижозлар учун дебет ва кредит ёзувлари бўйича билдиришномалар бўлиб ҳисобланади, ордернинг тўртинчи нусхаси эса ордер китобчасида қолади. Бу китоб бош ҳисобчи ёки унинг муовинида сақланади. Ордерларга алоҳида тартибда рақамлар қўйиб борилади. Тузатиш ордери матнида қачон ва қайси ҳужжатда хато ёзув бўлгани кўрсатилиши керак. Агар ушбу тузатишга мижоз аризаси сабаб бўлган бўлса, шу сабаб кўрсатилиши лозим. Бунда ордернинг тўртинчи нусхаси орқасида кимнинг айби билан хато ёзувга йўл қўйилгани аниқланади, ижрочининг шу билан бирга хато ёзувни назоратдан ўтказган шахснинг лавозими ва фамилияси ҳам

кўрсатилади. Тузатиш ордерлари тузилишида асос бўлган аризалар ордерлар билан бирга ҳужжатлар орасида сақланиши керак.

Ҳар бир банкда бухгалтерия ёзувларида хатоликларга йўл қўйиш ҳоллари учраб туради. Шу сабабли банк ҳисобчиси бухгалтерия ходимлари ишидаги хатолар ҳисобини юритади, бунинг учун тузатиш ордерларида қолган ордернинг охириги тўртинчи нусхасидан фойдаланилади. Лекин, бош ҳисобчи банк бухгалтерия ходимларида йўл қўйилган хатоларни фақат назорат қилибгина қолмай, бу хатолар сабабларини ўрганиши, банк ишини яхшилаш, чораларини кўриш, бухгалтерия ходимлари ўртасида янги қарор, йўриқнома ва хатлар бўйича йўл – йўриқлар берилиши лозим. Бу билан банк бухгалтерия ходимлари томонидан келажакда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олди олинади.

II-БОБ бўйича хулоса

ТИФ Миллий банки халқаро ва миллий иқтисодиётда ўз нуфузига эга, хусусан, банк “Мудис”, ҳамда “Стандарт энд Пурс” халқаро нуфузли рейтинг компанияларининг кредитга лаёқатлилиқ бўйича “Барқарор” рейтинг баҳосини олди. Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлими ва унинг филиаллари томонидан 29580 та мижозга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Банкнинг ижобий натижаларга эришишида ҳисоб ва ҳисобот ишларини миллий ҳамда халқаро стандартлар асосида ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Банкда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишда нафақат банкнинг ҳисоб ишлари узлуксиз олиб борилади, балки мижозларининг ҳисоб рақамларидаги ўзгаришлар бўйича ҳам ҳисоб ва ҳисоботлар юритилади. Ҳисоб ишлари бош ва ёрдамчи китобларда банк ҳисобварақлари асосида юритилиб, кунлик, ойлик, чораклик ҳамда йиллик ҳисоботлар тузилади. Ҳисоб ишлари бухгалтерия ҳужжатлари ва шакллари асосида олиб борилади. Банк ишлари ва молиявий ҳолатини яхшилаш чораларини аниқлашда банк ҳисоби ва ҳисоботларини такомиллаштириш давр талабидир.

III-Боб. Банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишни такомиллаштириш йўллари

1. Иқтисодий инқироз шароитида банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида белгиланган тадбирлар

Иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилиши алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, Президентимизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” асарида таъкидланганидек, “...айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Биринчи навбатда банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим”[17;53].

Банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимида жалб этилишига қаратилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, 2008 йилда банклар томонидан иқтисодиёт тармоқларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш мақсадида, жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш орқали банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш борасидаги ишлар янада фаоллаштирилди. Масалан, Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлимида жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 2007 йилда 27 млрд. 500 млн.сўмни ташкил қилиб, 2008 йилда 52,4 фоизга ошиб, 2009 йил 1 январ ҳолатига 41млрд. 905 млн.сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги ПФ-3968-сонли Фармонида асосан, резидент - жисмоний шахслардан депозит ҳисобварақларга ўтказилган миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларини қабул қилиш бўйича имтиёзларнинг яратилганлиги жисмоний

шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

2008 йилда давомида тижорат банки томонидан аҳолига миллий валютадаги 7 тадан ортиқ, хорижий валютадаги 2 тадан ортиқ энг самарали ва жозибадор омонат турлари таклиф этилди. Натижада, аҳолининг банкдаги маблағлари қолдиғи 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига 1832675,6минг сўмни ташкил этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057-сонли Фармонида асосан миқдоридан қатъий назар фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақлардаги омонатлари тўлиқ қафолатланганлиги аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

2008 йилда биз таҳлил қилаётган банкда амалга оширилган ислохотлар орқали қуйидаги устувор вазифалар бажарилди:

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторларнинг маблағларини банк акциялари ва депозитларга жалб қилиш орқали банкнинг капиталлашув даражаси ошди ҳамда ресурс базаси кенгайди;

- банкнинг инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жиҳозлашдаги иштироки янада кенгайди ва вилоятдаги кичик бизнес субъектлари молиявий қўллаб-қувватланмоқда;

- банкда самарали назоратни амалга оширилиши, банк инфратузилмаларини кенгайтирилиши, банк хизматлари сифатини яхшиланиши ва миждозларга янги қулайликлар яратилиши натижасида тўловга қодирлик даражаси ошиб бормоқда;

- ҳисоб-китоблар тизими янада такомиллаштирилмоқда, нақд пулларнинг банк айланмасига жалб этилиши янада кенгайтирилмоқда;

Шунингдек, бугунги кунда банкнинг инқирозга қарши чоралар дастурининг тўлиқ ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда банкнинг капитали ва мижозлардан жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ўсиши иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Айниқса, мамлакатимизда банклар томонидан узоқ муддатга ажратилган инвестицион кредитлардан олинган даромадлари бўйича солиқ имтиёзларининг берилганлиги банкларнинг ушбу жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириб келмоқда. Натижада, тижорат банклари томонидан устувор тармоқ корхоналарини модернизация қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлаш учун кредитлар ажратилиши янада фаоллашди. Инқироз шароитида банкнинг имкониятларини оширишнинг ўзига хос яна бир йўли бу нақдсиз ҳисоб-китоблар қўламини кенгайтирилишидир. Бу ҳол бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини кенгайтириш имконини таъминлайди. Бунда пластик карточкалардан фойдаланиш тизимини кенгайтириш зарур. Ҳозиргача банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар 57000 донани ва хизмат кўрсатувчи терминаллар сони 180 тани ташкил этди. Таҳлилларимиз кўрсатадики, бу кўрсаткич кутилган самарани таъминлашига нисбатан анча пастдир. Бунга вилоятда пластик карточкалар билан савдо қилувчи тармоқларнинг камлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Биз таклиф қилар эдикки, вилоят даражасида аҳолига кредитларга автомобиллар дастлабки тўловнинг 30 фоизигача миқдорини нақд тўлаш шарти билан берилишини ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатувчи барча тармоқларда, хусусан, ёқилғи қуйиш шохобчаларида пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар амалга оширилса, нақд пулсиз ҳисоблашувлар қўламини кўпайтириш мумкин бўлади.

Шунингдек, инқирозга қарши чоралар дастурига кўра, банкда нафақат банклар ўртасида электрон хизматлар тизими, балки, банк билан мижоз ўртасида ҳам электрон хизматлар тизимини ўрнатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Чунки, монографик кузатувлар кўрсатадики, мижозларнинг асосий вақти банк ҳужжатларини тўлдириш, операцияларни амалга ошиш жараёнини кузатиш ва кутиш билан ўтмоқда. Хусусан, электрон имзо ва банк тижорат сири каби ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги банкларда тезкор, сифатли ва алоҳидалашган тартибда “Банк ва мижоз” электрон тизимини ўрнатиш имконини беради, деб ҳисоблайман. Шунингдек, мумкин қадар аҳоли пулларини банк жамғармаларига ва омонотларга кўпроқ жалб этишнинг таъсирчан ва рағбатлантирувчи механизми сифатида фоиз ставкаларини ошириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, айнан иқтисодий инқироз шароитида банкларнинг нақд пулларга бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондириш учун жалб этилган маблағларга дисконт ставкалари бўйича мураккаб фоизлар ҳисобланишни таклиф этиш орқали маблағларни банкда узоқроқ муддат айланишини таъминлаш мумкин бўлади.

3.2. Банкларда молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказишни такомиллаштириш йўллари

Тижорат банклари ҳисоб сиёсатининг ташкилий-техникавий жиҳатида кўриладиган масалалар, яъни банк операциялари, олиб бориладиган ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бугунги кунда тижорат банкларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Бунда банк аудитини белгиланган талаблар даражасида ташкил этиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини аудит қилувчи ташкилотлар зиммасига тижорат банкини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг аҳволини ўрганиш мажбуриятини юклайди. Текширувни режалаштириш ва ўтказиш жараёнида аудитор текширилаётган тижорат банкидаги бухгалтерия ҳисоби тизимини тушуниб етиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби тизими билан танишиш ҳисоб

сиёсати ва бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий қоидалари, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ҳисоботини тайёрлаш учун масъул бўлинманинг ташкилий тузилмаси, ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тайёрлашда иштирок этувчи ходимлар ўртасида мажбуриятларнинг тақсимланиши, банк томонидан амалга оширилган операциялар акс эттирилган ҳужжатларни тайёрлаш, уларнинг айланиши ва сақланишини ташкил этиш, амалга оширилган операцияларни бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш тартиби, бундай регистрлардаги маълумотларни умумлаштириш шакллари ва усуллари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида даврий бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш тартиби, ҳисобни юритиш ва ҳисоботлар тайёрлашда ҳисоблаш техникасининг роли ва аҳамияти, ҳисобга олиш тизимининг алоҳида участкаларида назарда тутилган назорат воситалари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, таҳлилдан ўтказиш ва баҳолашни ўз ичига олади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларида операцияларнинг ҳисоб ва ҳисобот учун муҳим деталлари акс эттирилган, барча операциялар бухгалтерия ҳисобида тўғри даврда, тегишли бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида, амалдаги норматив ҳужжатларга ва банкда қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ қайд этилган, фирибгарлик ҳолатларининг пайдо бўлиши имкониятлари чекланган бўлса, бухгалтерия ҳисоби тизимини самарали деб топиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини келтириб чиқарган асосий сабаблардан бири бу банкларда ўтказилган аудиторлик текширувларининг холислик, адолат, ҳаққонойлик каби тамойилларга риоя этилмаганлигидадир.

Хуллас, бухгалтерия ҳисоби тизимининг самарасини баҳолаш учун аудитор бухгалтерия ҳисобининг бошқа элементлари билан бир қаторда, унинг ҳисоб сиёсатини ҳам урганиб чиқиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонунининг 43 – моддасида “Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига

мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текширилиб турилиши лозим. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади. Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари ҳам шарт”[4;47].

Банкда ўтказиладиган ҳар бир операция албатта, банк томонидан текшириб борилиши керак, яъни банк операциялари бажарилаётганда, улар қонуний расмийлаштирилиши ҳамда маблағлар ва бойликлар бут сақланиши тегишлича назорат қилиниши таъминланмоғи лозим. Ушбу жараён ички банк назорати орқали амалга оширилади. Банк ички назорати – ўз активларининг бутлигини таъминлаш; ҳисобот маълумотларининг аниқлиги ва ишончлигини текшириш; операциялар самарадорлигига кўмаклашиш; ҳисоб юритиш сиёсатига риоя этилишига ёрдамлашишдан иборат.

Банк ички назоратини самарли ташкил этиш учун маъмурий назорат ва ички назорат усулларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Маъмурий назорат-бу банкнинг пухта ўйланган ташкилий тузилмасининг таснифланган ва аниқ тақсимланган ваколат ва мажбуриятлари, қарор қабул қилиш ва улар бўйича ҳужжатларнинг расмийлаштириш тартибининг (бунга муайян операциялар бўйича ваколатлар беришга доир қарор қабул қилиш ҳам кирази) бирлигидир.

Бухгалтерия назорати активларнинг сақланиши ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлигини таъминлашга йўналтирилган, муайян тарзда шакллантирилган ҳужжат ва ҳисоботларни юритиш таркиби ва тизими бўлиб, шу билан бирга улар қуйидагилар бўйича асосланган ишонч ҳосил қилишга йўналтирилган.

- барча операциялар раҳбарият томонидан берилган ваколатлар доирасида амалга оширилмоқда.

- банк операцияларини ҳужжатларда белгиланган бухгалтерия тамойилларига мос тарзда акс эттирилиши активлар ҳисобини аниқ юритиш имконини таъминламоқда.
- ходимларнинг активлар билан ишлашига рухсат раҳбарият томонидан берилган ваколатлар доирасида амалга оширилмоқда.

Активларнинг молиявий ҳисоботларда акс эттирилган қиймати мунтазам равишда (самарали назоратни амалга ошириш мумкин бўлган тарзда) ҳақиқатда мавжуд бўлган активлар қиймати билан солиштирилади ва аниқланган ҳар бир тафовутлар бўйича ўз вақтида чоралар кўрилади. Бирон бир шахс томонидан йўл қўйилган жиддий камчилик қисқа вақт ичида аниқланган тақдирда ички назорат самарали ҳисобланади. Ички назоратнинг зарурий даражасига эришиш учун банкда қуйидаги асосий тамойил ва услублар мавжуд бўлиши керак:

- самарали ташкилий тузилма.
- тегишли йўналишдаги бухгалтерия сиёсати ва услублари.
- активларнинг сақланишига оид зарурий услублар.
- ички аудитнинг самарали дастури.

Банк Кенгаши банк стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш, шунингдек, банк раҳбарияти томонидан зарур чораларни қабул қилиш жараёнларини назорат қилишга доир тадбирлар бўйича масъулдир. Банкнинг ташкилий тузилмаси банк раҳбариятининг ҳуқуқлари бўйсўниш тартиби ва ҳисобдорликни аниқ ифодалаши керак. Банк кенгашининг тегишли кўрсатмасида ходимлар ваколати доираси аниқ кўрсатилиши ва улар лавозим тавсифномаларига киритилиш керак. Масалан, кредитлаш лимити инвестициялар ва қимматли қоғозлар савдосига доир ҳуқуқлар шулар жумласидандир. Ходимларнинг мажбуриятлари (вазифалари) шундай тақсимланиши керакки бир шахс бир операцияни бир ўзи бажармасин. (Масалан, кредит бўлимининг ходими кредит бўйича бериладиган маблағларни ажратишда ёки ҳисобвараққа қабул қилишда иштирок

этмаслиги керак; тўлов ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга бўлган шахс банкнинг вакиллик ҳисобварақлари бўйича операцияларни бажармаслиги шарт; якунловчи балансни тузувчи шахс бошланғич ҳужжатлар билан ишламаган бўлиши керак).

Банк ходимлари билан олиб борилаётган сиёсат қуйидагиларни таъминлаши керак:

- огоҳлантирилмасдан туриб ходимларнинг мажбуриятларини алмаштириш;

- ходимларнинг иш самарасини ва малакасини ошириш мақсадида ходимлар мажбуриятларини ўзгартириш муддатини узайтириш;

- барча ходимлар, шу жумладан, раҳбар ходилар икки ҳафтадан кам бўлмаган муддатга (масалан, таътил пайтида) ўзлари бажариб турган вазифаларидан озод этилсалар, бошқа ходимлар уларнинг ишларини бажаришлари тўғрисидаги талабга риоя қилишлари лозим.

Банк ички назорати тизими номувофиқликларни тезда аниқлаш имкониятини берувчи услубларни ўз ичига қамраб олишлари керак. Барча операциялар ўриндошлик бўйича мажбурияти бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилиши керак. Ўз мажбуриятларини бажараётган ходимлар етарли вақтга, малакага ва билимга эга бўлишлари керак. Барча банкларда бухгалтерия ҳитсобрини юритиш қабул қилинган бухгалтерия ва банк тамойилларига тўғри келиши керак. Банкнинг ҳужжатлари ва ҳисоботи унинг реал ҳолатини акс эттириши ва операция натижаларини тўғри кўрсатиши керак. Банкнинг бухгалтерия тизими камида қуйидагиларни ўз ичига олиши керак. Кундалик, оддий операцияларни амалга ошириш бўйича бухгалтерия йўриқномалари ва қўлланмаларнинг мавжудлиги. Ҳар қандай санада банкнинг молиявий ҳолатини аниқлаш имконини таъминлаш мақсадида ҳар бир банк операциясини батафсил қайд қилиш керак. Илова ҳисобварақлар, масалан, депозитлар, кредитлар, қимматли қоғозлар ва чет эл валютаси билан

боғлиқ операция бўйича илова ҳисобрақамлар баланс ҳисоботидаги назорат рақамлари солиштирилиши керак.

Ҳисоб юритиш ва ёзувлар тизими банкнинг ҳар бир операциясини банк дафтарлари (регистрлари)дан ўтказиш имконини бериши керак. Ҳисобларни таққослаш ишлари доимий равишда бевосита шу ҳисоблар бўйича операцияларни бажармайдиган ва улар бўйича ёзув киритмайдиган ходимлар томонидан олиб борилиши керак.

Активлар бутлигини сақлашнинг асосий усули бу- улар билан боғлиқ операцияларни бажариш бўйича ваколат доирасини белгилаш ва активлардан фойдаланувчи маълум бир гуруҳ ходимлар ҳуқуқлари сонини чеклашдир. Масалан, нақд пул билан боғлиқ операцияларни бажарадиган ходимлар ўзларининг ваколатлари доирасида фаолият юритишлари керак. Камчиликлар аниқланган тақдирда у ҳақда зудлик билан раҳбариятга хабар бериш ва уларнинг сабабларини изхлаб топиш керак.

Шароитдан келиб чиққан ҳолда айрим пайтларда маълум активларнинг бутлигини таъминлаш учун қўшма (биргаликдаги) жавобгарлик ўрнатилиши мумкин. Қўшма жавобгарлик-бир хилдаги активларнинг ёки улар бўйича ёзувларнинг бутлиги учун икки ёки ундан ортиқ шахсларга тенг равишда бир хил масъулият юклашдир. Бунда улар бу активга фақат биргаликда яқинлашиши мумкин (яъни, иккита шахсда сейф, файл ёки ҳужжатлардан фойдаланиш учун икки хил калит ёки икки хил комбинация бўлади). Бундай биргаликдаги жавобгарлик белгиланган ходимлар орасида аниқ чегараланган бўлиши ва барча зарур шахсларга маълумот учун етказилиши керак.

Иккиланган назорат бир ходимнинг иши иккинчи ходим томонидан текширилиши ёки тўлдирилиши керак бўлган операцияларга нисбатан ўрнатилиши лозим. Иккинчи шахснинг мавжудлиги биринчи шахс томонидан бажарилаган операция ёки фаолият шу шахснинг ваколат доирасида бажарилганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилиш учун йўналтирилган (масалан, банк ихтиёрида бўлган гаровни қарз олувчига

қайтариб беришда иккиланган назорат зарур). Банк биносига кириш рухсатномалар бўйича банк соқчилари орқали ёки электрон ўтказиш тизимлари орқали амалга оширилиши керак.

Тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари ички аудитга қўйиладиган талаблари” га жавоб бериши шарт.

III-БОБ бўйича хулоса

Иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш ва мустахкамлашга асосий эътибор қаратилиши алоҳида аҳамиятга эга. Бунда нақдсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳол бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини кенгайтириш имконини таъминлайди. Бунда пластик карточкалардан фойдаланиш тизимини кенгайтириш зарур. Шунингдек, инқирозга қарши чоралар дастурига кўра, банкда нафақат банклар ўртасида электрон хизматлар тизими, балки, банк билан мижоз ўртасида ҳам электрон хизматлар тизимини ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, мумкин қадар аҳоли пуллариини банк жамғармаларига ва омонотларга кўпроқ жалб этишнинг таъсирчан ва рағбатлантирувчи механизми сифатида фоиз ставкаларини ошириш мақсадга мувофиқ.

Тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботларни такомиллаштириш бугунги кунда тижорат банкларида банк аудитини белгиланган талаблар даражасида ташкил этишни талаб этади. Бунда банк ички назорати ва аудитини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Банк ички назоратини самарали ташкил этиш учун маъмурий назорат ва ички назорат усулларида кенг фойдаланиш зарур.

Барча банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш қабул қилинган бухгалтерия ва банк тамойилларига тўғри келиши керак.

Тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари ички аудитга қўйиладиган талаблари” га жавоб бериши шарт.

Хулоса ва таклифлар

Бозор иқтисодиёти, хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида рақобатлаша оладиган банкларни шакллантириш ва ривожлантириш учун банкларда самарали ҳисоб тизими ва ҳисоботларини тўғри ташкил этиш, уларни такомиллаштириш объектив зарурият ҳисобланади. Банк тизимида ҳисоб ва ҳисоботларни тўғри ташкил этиш ва такомиллаштириш банкнинг молиявий барқарорлигини сақлаш, капиталлашув даражасини ҳолисона баҳолаш, ҳисоб-китобларни уз вақтида олиб борилишини, омонатчилар ва банк кредиторлари талабларининг уз вақтида тўлиқ бажарилишини таъминлаш имконини беради. Мазкур магистрлик диссертацияси даражасида ушбу масалаларни урганиш натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар берилди:

1. Банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни тўғри ташкил этиш ва такомиллаштириш банк ҳисоб сиёсатига боғлиқ. Чунки, тўғри танланган ва асосланган ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг барча – ташкилий, методик ва техникавий жиҳатларини ўз ичига камраб олади. Ҳисоб сиёсати – бу авваламбор банкларда молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун қабул қилган муайян қоидалар, асослар, шартлар ва амалиётдан иборат.

Банкларнинг ҳисоб сиёсатини қуйидаги тўрт жиҳати бўйича таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳати;
2. Ҳисоб сиёсатининг ташкилий жиҳати;
3. Ҳисоб сиёсатининг техник жиҳати;
4. Ҳисоб сиёсатининг солиқ жиҳати.

2. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”, “Марказий банк тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонунлари, , “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва

ҳисоботи тўғрисидаги Йўриқнома”, “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”, “Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисобкитоблар юритиш тўғрисидаги Низом” “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисидаги Низом”, “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари ҳисоботларини матбуотда чоп этиш учун қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом” каби доимий меъёрий ҳужжатлар банкларда ҳисоб ва ҳисоботлари тўғри ташкил этиш имконини таъминлайди. Бироқ бугунги кунда баъзи ҳуқуқий асосларга ўзгартиришлар қилиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли Фармони тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этишга қаратилган бўлса, республикамизда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастурининг иккинчи бўлимида жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора – тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантиришда банкларнинг иштирокини оширилиши банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларига баъзи ўзгартиришлар киритилишини тақозо этади. Чунки, банкларда ҳисоб ишлари ва ҳисоботлар бўйича Марказий банк томонидан доимий назорат ташкил этилган бўлиб, уларнинг ифодаси банклар томонидан тақдим этилаётган ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига боғлиқ.

3. Банкларда молиявий ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш таомойилларига тўлиқ риоя этилишини тегишли давлат идоралари ва Марказий банк томонидан доимий назорат қилиб бориш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирозини

келтириб чиқарган асосий сабабларидан бири, “- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши; - молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва сохта аудит хулосалари тақдим этилиши; - молиявий рағбатлантириш услуги сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги”[17;15] дир. Шундай экан, банкларда ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш белгиланган тамойилларга асосланиши объектив зарурият ҳисобланади. Бунда асосан, молиявий ҳисоботнинг турт асосий сифат хусусияти – тушунарлилик, мувофиқлик, аниқлик ва қиёсланувчанликка қўшимча равишда, Молиявий Ҳисобот Халқаро Стандартлари (МХХС)даги қуйидаги сифат хусусиятлари, яъни тамойилларини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: муҳимлик, ҳаққонийлик, мазмуннинг шаклдан устунлиги, бетарафлик, эҳтиёткорлик ва тўлиқлик.

4. Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг рақобатбардошлиги аниқлашда банкларнинг халқаро рейтинг агентликларининг кредитга лаёқатлик борасидаги рейтингига эга бўлишлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, Ташқи Иқтисодий Фаолият (ТИФ) Миллий банки “Мудис” халқаро рейтинг компаниясининг ҳамда “Капиталбанк”, “Стандарт энд Пурс” халқаро нуфузли рейтинг компаниясининг кредитга лаёқатлилик бўйича барқарор рейтинг баҳосини олди. Шунинг учун ҳам Миллий банк халқаро ҳамда миллий иқтисодиётда ўз нуфузига эга бўлиб бормокда. Хусусан, ТИФ Миллий банк Қашқадарё вилояти бўлими 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда унинг бешта бўлими мавжуд. Банк бўлими ва унинг филиалларида тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинаётган долзарб ва устувор йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорларга ажратаётган турли йўналишдаги кредитлари орқали вилоятимиз ҳамда республикаимиз иқтисодиётига ўз улушини қўшмокда. Хусусан, банк бўлими ва филиаллари томонидан 29580 та мижозга хизмат кўрсатилаётган бўлса, ушбу мижозларнинг 3800 таси

бугунги кунда турли йўналишдаги банк кредитларидан фойдаланиб келишмоқда. Банк бўлими ва филиаллари томонидан 2008 йилда мижозларга жами 24308,7 млн.сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, кредитларнинг 16010,8 млн.сўми банкнинг ўз маблағларидан, 208,0 млн.сўми иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан, 8089,9 млн.сўмлик қисми эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг марказлаштирилган маблағларидан 2008 йил ғалла ва пахта ҳосили учун ажратилди. 2008 йил якунида саноатга йўналтирилган кредит қуйилмалари 3948,1 млн.сўмни, яратилган ишчи ўринлари 213 тани, қишлоқ хўжалигига йўналтирилган кредит қуйилмалари 12905,3 млн.сўмни, яратилган ишчи ўринлари 1100 тани, савдога ажратилган кредит қуйилмалари 2646,4 млн.сўмни, яратилган ишчи ўринлари 63 тани, қурилиш ва маиший хизматга йўналтирилган кредит қуйилмалари 1016,9 млн.сўмни, яратилган ишчи ўринлари 51 тани, бошқа тармоқларга йўналтирилган кредит қуйилмалари 3792 млн.сўмни, яратилган ишчи ўринлари 42 тани ташкил этди.

Вилоят аҳолисини сархил мева ва сабзавотлар билан таъминлаш мақсадида иссиқхоналар қуриш учун тадбиркорларни 14 та лойиҳаси молиялаштирилиб, шундан 135 млн. сўми банк маблағи ҳисобидан, 70 млн. сўми тадбиркорларни ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилди.

2008 йилни 9 ойи давомида 52 фуқорага 1640,5 млн. сўмлик ипотека кредити ажратилиб, шундан 1191,3 млн. сўмини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ 3878 – сонли Фармонида асосан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш мақсадида 37 та ёш оилаларга ажратилган кредитлар ташкил этди. Шунингдек 128 фуқорага 448 млн. сўм истеъмол кредитлари ажратилиб, шундан 173 млн. сўмини 34 та ёш оилага ажратилган кредитлар ташкил этган. Бундан ташқари 21 та тадбиркор ёш оилаларга 479 млн. сўм микрокредит ажратилган. Банкнинг мазкур ижобий натижаларга эришиши ҳисоб ва ҳисоботларни тўғри ва халқаро стандарлар даражасида ташкил этилаётганлигидадир.

5. Банкда ҳисоб ишларини жаҳон амалиёти ва халқаро стандартлар асосида ташкил этишга эътибор қаратилган бўлиб, жамлама ҳисоб ўрнига бош китоб, аналитик ҳисоб ўрнига эса ёрдамчи китоблар қўлланилмоқда. Банкда бош китоб деб – ҳисобварақлар гуруҳига айтилади. Бош китоб - бу банк молиявий ҳисоботларида (баланс ҳисоботи, даромад ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот ва б.) кўрсатиладиган ҳисобварақлар гуруҳидир. Миллий банк Қашқадарё вилояти бўлимида бухгалтерия ҳисобини юритиш шакллари ва унинг регистрлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Марказий банк томонидан тавсия этилган ва белгиланган ягона шаклларда олиб борилмоқда. Чунки, молиявий назорат органлари ҳамда Марказий банк ҳисоб ва ҳисоботларни белгиланган шакл ва регистрларда тўлдирилган тақдирдагина қабул қилиши ҳуқуқий жиҳатдан асосланган.

6. Банк ҳисоб тизимида ишлатилган барча ҳужжатларни шартли равишда икки қисмга яъни,

1. Корхоналар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар.
2. Банк томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар.

Бажариладиган операцияларнинг мазмунига кўра банк операциялари бўйича юритилган барча ҳужжатларни шартли равишда уч гуруҳга ажратишни таклиф қиламиз:

1. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларда ишлатиладиган ҳужжатлар;
2. Нақд пул билан боғлиқ бўлган касса ҳужжатлари;
3. Балансдан ташқаридаги ҳисобварақлар бўйича ҳужжатлар;

7. Банк молиявий ҳисоботларининг таркиби, тузилиши ва тақдим этилишининг ҳозирги ҳолати мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Маълумки, банкда баланс ҳар куни тузилади. Балансининг ҳар икки, актив ва пасив қисмларининг ўзаро тенглиги банк иш куни якунланганлигини билдиради.

Бош китобнинг барча материаллари қатори кунлик баланси ҳозирги кунда банкда дастурий йўл билан компютер ёрдамида тайёрланмоқда.

8. Банк ҳисоб тизимида активлар ҳисобининг юритиш ўзига хос муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг асосини бухгалтерия ёзувларини бажаришда хатоликларга йўл қўйилиш ҳолатлари ташкил этади. Шунинг учун банк ҳисоб тизимида ички назоратни ташкил этиш ва мазкур назорат фақат хатоларнигини тузатиб қолмасдан бу хатолар сабабларини ўрганиши, банк ишини яхшилаш, чораларини кўриш, бухгалтерия ходимлари ўртасида янги қарор, йўриқнома ва хатлар бўйича йўл – йўриқлар берилиши лозим. Бу билан банк бухгалтерия ходимлари томонидан келажақда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг олди олинади деб ҳисоблаймиз.

9. Банкларда ҳисоб ва ҳисоботларни ташкил этишни такомиллаштиришда инқирозга қарши тадбирлар режасини ишлаб чиқиш амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, 2008 йилда банклар томонидан иқтисодиёт тармоқларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш мақсадида, жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш орқали банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш борасидаги ишлар янада фаоллаштирилди. Масалан, Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлимида жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 2007 йилда 27 млрд. 500 млн.сўмни ташкил қилиб, 2008 йилда 52,4 фоизга ошиб, 2009 йил 1 январ ҳолатига 41млрд. 905 млн.сўмни ташкил этди. Миллий банк Қашқадарё вилоят бўлимининг инқирозга қарши чоралар дастурига қуйидаги тадбирларни ҳам киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Инқироз шароитида банкнинг имкониятларини оширишнинг ўзига хос яна бир йўли бу нақдсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтириш ва пластик карточкалардан фойдаланиш тизимини янада ошириш зарур. Бизнингча, вилоят даражасида аҳолига кредитларга автомобиллар дастлабки тўловнинг 30 фоизигача миқдорини нақд тўлаш шarti билан берилишини ташкил этиш

ва унга хизмат кўрсатувчи барча тармоқларда, хусусан, ёқилғи қуйиш шохобчаларида пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар амалга оширилса, нақд пулсиз ҳисоблашувлар кўламини кўпайтириш мумкин бўлади.

- Инқирозга қарши чоралар дастурига кўра, банкда нафақат банклар ўртасида электрон хизматлар тизими, балки, банк билан мижоз ўртасида ҳам электрон хизматлар тизимини ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, электрон имзо ва банк тижорат сири каби ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги банкларда тезкор, сифатли ва алохидалашган тартибда “Банк ва мижоз электрон тизими”ни ўрнатиш имконини беради.

- Аҳоли пулларини банк жамғармаларига ва омонотларга жалб этишнинг таъсирчан ва рағбатлантирувчи механизми сифатида фоиз ставкаларини ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Хусусан, айнан иқтисодий инқироз шароитида банкларнинг нақд пулларга бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондириш учун жалб этилган маблағларга дисконт ставкалари бўйича мураккаб фоизлар ҳисобланишни таклиф этиш орқали маблағларни банкда узоқроқ муддат айланишини таъминлаш мумкин.

10. Банкларда молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказишни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва қуйидаги йўлларни таклиф этамиз:

- Аудит, хусусан, капиталнинг етарлигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олиши шарт;

- Банкда ўтказиладиган ҳар бир операция албатта, банк томонидан текшириб борилиши керак, яъни банк операциялари бажарилаётганда, улар қонуний расмийлаштирилиши ҳамда маблағлар ва бойликлар бут сақланиши тегишлича назорат қилиниши таъминланмоғи лозим;

- Аудитнинг самарасини таъминлашда ички банк назоратини ташкил этиш зарур. Чунки, банк ички назорати — ўз активларининг бутлигини

таъминлаш; ҳисобот маълумотларининг аниқлиги ва ишончлигини текшириш; операциялар самарадорлигига кўмаклашиш; ҳисоб юритиш сиёсатига риоя этилишига ёрдамлашишдан иборат.

- Банк ички назоратининг зарурий даражасига эришиш учун банкда қуйидаги асосий тамойил ва услублар мавжуд бўлиши керак:

- самарали ташкилий тузилма;
- тегишли йўналишдаги бухгалтерия сиёсати ва услублари;
- активларнинг сақланишига оид зарурий услублар;
- ички аудитнинг самарали дастури.

- Самарали ташкилий тузилма банк кенгашининг фаолиятига бевосита боғлиқ. Чунки, банк кенгаши банк стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш, шунингдек, банк раҳбарияти томонидан зарур чораларни қабул қилиш жараёнларини назорат қилишга доир тадбирлар бўйича масъул ҳисобланади.

- Банкда ходимлар масаласини адолатли ташкил этишда банк раҳбари бевосита масъулдир. Раҳбар томонидан ходимларнинг мажбуриятлари (вазифалари) шундай тақсимланиши керакки, бир шахс бир операцияни бир ўзи бажармасин. (Масалан, кредит бўлимининг ходими кредит бўйича бериладиган маблағларни ажратишда ёки ҳисобвараққа қабул қилишда иштирок этмаслиги керак; тўлов ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга бўлган шахс банкнинг вакиллик ҳисобварақлари бўйича операцияларни бажармаслиги шарт; якунловчи балансни тузувчи шахс бошланғич ҳужжатлар билан ишламаган бўлиши керак).

Банк ходимлари билан олиб борилаётган сиёсат қуйидагиларни таъминлаши зарур:

А) огоҳлантирилмасдан туриб ходимларнинг мажбуриятларини алмаштириш;

Б) ходимларнинг иш самарасини ва малакасини ошириш мақсадида ходимлар мажбуриятларини ўзгартириш муддатини узайтириш;

В) барча ходимлар, шу жумладан, раҳбар ходимлар икки ҳафтадан кам бўлмаган муддатга (масалан, таътил пайтида) ўзлари бажариб турган вазифаларидан озод этилсалар, бошқа ходимлар уларнинг ишларини бажаришлари тўғрисидаги талабга риоя қилишлари лозим.

Банк ички назорати тизими номувофиқликларни тезда аниқлаш имкониятини берувчи услубларни ўз ичига қамраб олишлари керак.

Тижорат банкларида ички аудитни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари ички аудитга қўйиладиган талаблари” га жавоб бериши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (янги таҳрири) -Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. // Ўзбекистон овози. 1996 йил 17 сентябр.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами.-Т.: Ўзбекистон, 2003. 7-бет.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонун. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами.-Т.: Ўзбекистон, 2003. 30-бет.
5. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Йўриқнома”.-БҲД. 61-2. 22.02.00.
6. “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”. –БҲД. 290-15. 22.09.03.
7. “Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисидаги Низом”. –ТТАД. 1010. 19.02.01.
8. “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисидаги Низом”. – ТБЛБД. 982. 04.11.00.
9. “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом”.- ТБЛБД. 992. 22.12.00.
- 10.“Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари ҳисоботларини матбуотда чоп этиш учун қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом”. –ТБЛБД. 964. 31.08.00.
- 11.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатлар чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 240 б.
- 12.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 326 бет.

14. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 528 бет.

15. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз–жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2005 йил 28 январ // Ўзбекистон овози, 2005 й. 29 январ.

16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизациялаш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. 2009 йил 13 феврал.// Ўзбекистон овози, 2009 йил 14 феврал.

17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 54 б.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.-ТДИУ. Иқтисодиёт, 2009. 106-бет.

19.Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Ахборотномаси.2009 йил 1-сон, 6-бет

20. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар.-Т.: Молия, 2000. - 312 б.

21. Абдуллаев Ш.З., Наврузова К.Н. Банк ҳисоби. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти.2006.

22. Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. -Тошкент: Меҳнат, 2001 йил 320 б.

23. Алимханова Н. Тижорат банкларининг кредит сиёсати ва унинг ҳуқуқий – иқтисодий асослари. “Фан, тараққиёт ва ёшлар” илмий-амалий конференцияси материаллари. 3-жилд.2008 йил, 60-бет.

24. Алимханова Н. Молиявий натижалар таҳлилининг услубий асослари. Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари” республика илмий-амалий конференцияси маърузалари тўплами, 2007йил, 61-бет.

25. Алимханова Н. Тижорат банкларида ва лизинг компанияларида тадбиркорбанк томонидан кредит линияларини очиш тартиби. “Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари” республика илмий-амалий конференцияси маърузалари тўплами, 2007 йил, 108-бет.

26. Бобожонов О. Молиявий ҳисоб. - Т.: “Шарқ”, 2003.

27. Дўстмуродов Д.Р. Аудит асослари. -Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003- 604 б.

28. Каримов А. Бухгалтерия ҳисоби. Т.: Шарқ, 2005.

29. Суворов А.В. Учетная политика. –М.:Фин.и стат.2003.

30.Мирзаев И.Ф. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. –Т.: Молия, 2008. 276 б.

31. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Шарқ НМАК, 2006. 448-бет.

32.Ҳасанов Б. Бошқарув ҳисоби. –Т.: Шарқ, 2004.

33.www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг расмий сайти.

34.www.uzstat.uz – Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.

35.www.ceep.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти.

36. www.economyworld.com – Ахборот Технологиялари Ассоциацияси веб - сайти.

37. www.uzsecurities.com – Ўзбекистон Республикасининг Қимматли қоғозлар бозори ҳақида ахборот берувчи расмий сайти.

38. www.uzexport.com – Ўзбекистон Республикасининг мамлакат экспорт салоҳияти ҳақида ахборот берувчи расмий сайти.

39. <http://www.cfin.ru/finanalizis/>

40. <http://www.cfin.ru/finanalizis/>

41. <http://www.citforum.ru/abtec/>

42. <http://www.ref.uz/>

43. <http://www.audit it.ru/>.

1-илова

Moody's Investors service томонидан банкларимизга берилган ижобий рейтинглар ҳақида маълумот

№	Банк номи	Рейтинг баҳоси
1	Миллий банк	«E+» молиявий барқарор; «Not Prime» депозитлар бўйича қисқа муддатли рейтинг; барча рейтинглар прогнози «барқарор»
2	Ғаллабанк	«B3/NP/E» барча рейтинглар прогнози «барқарор»
3	Туронбанк	«E+» молиявий барқарор; барча рейтинглар прогнози «барқарор».
4	Алоқабанк	«E+» молиявий барқарор; барча рейтинглар прогнози «барқарор».
5	Ипотекабанк	«E+» молиявий барқарор; барча рейтинглар прогнози «барқарор».
6	Кредит Стандарт банк	«E+» молиявий барқарор; барча рейтинглар прогнози «барқарор».

2-илова

Standard & Poor's

№	Банк номи	Рейтинг баҳоси
1	Миллий банк	«В/В» - «Барқарор»
2	Капитал банк	«В-/С» - «Барқарор»